

МИРТЕМИР

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

«ТОШКЕНТ»
БАДИЙ
АДАБИЁТ
НАШРИЁТИ
1967

84(5У)6-5

Ўзбек адабиёти
асарлари.- Шеърлар

Шоир Миртемирнинг янги шеърлари бу.

Туғилган кишлок, гўдаклик чок сатрлари, севги
ўланлари, она-Ватан қасидалари, меҳнаткаш инсон мақ-
тови, ўлмас Ленин тўғрисида дил кўшиқларини ўқийсиз
севikli шоирнинг бу китобида ҳам...

10

32713

1

1973	15.21
	8/4

*Ўзбек инқилобнинг ярим асрига
бағишлайман.*

А в т о р.



**ТОҒДАЙ
ТАЯНЧИМ ҲАМ...**

*Тоғдай таянчим ҳам сен,
Кундай қувончим ҳам сен,
Эзгу ишончим ҳам сен —
Барҳақ, билагон, даҳо!*

ТОҒДАЙ ТАЯНЧИМ ҲАМ...

Юз катла ардоқлайман,
Улуғим ва ардоқлим,
Йўлдошим ва етакчим —
Коммунистик партия.
Йўллар танобин тортмиш
Девкор, қўли кадоқлим,
Яратгучим, эмгакчим —
Ленинчи гвардия!

Тоғдай таянчим ҳам сен,
Кундай кувончим ҳам сен,
Эзгу ишончим ҳам сен —
Барҳак, билағон, даҳо!
Ҳикмату кимёдай,
Мангу меҳригиёдай,
Тоғда тошқин зиёдай,
Еркин, азиз, бебаҳо!
Минг йиллар жумбоғини
Рўйрост ечмиш ярти аср...

Қани чиғирик, омок,
Жувозу кора чирок?
Чўккилар ошганимиз
На мўъжиза ва на сир,
Уша босирик тушлар
Туш янглиғ бугун ийрок!

Осмонмас, оғир бўлди,
Тош чайнагандай оғир,
Халқим деб кечди жондан
Не фидокор, жонбозлар.
«Ушандок партия бор!»
Дегунча Ленин охир,
Неча жанг, неча қурбон,
Неча ёз ва аёзлар...

Юрт ёлчийман деганда,
Бало тушарди бошга.
Шубҳа қовуради эди
Баъзиларни мисли ўрт:
Наҳотки бахт қўзғуси
Урилса бехос тошга,
Наҳот эрк ҳам ўткинчи,
Наҳот негизлар ҳам мўрт!

Наҳот олса ёкадан
Ев гўё бевақт ажал.

Чанг солса кора бўжи
Еки малла алвасти,
Йил касб этган мазмун-ку
Худди салмоқдор мучал,
Тағин ёруғ умидлар
Бўлурми оёқ ости!

Йўк! Шубҳага ўрин йўк,
Сен борсан, калби чўгли,
Сен борсан, оздиrolмас
Ҳар қандоқ иблис панди,
Бари сенинг ироданг,
Партням, ота ўгли,
Чинакам халқ фарзанди,
Ҳақгўй, халқ донишманди!

Ишонч тўлик: ёрқинрок
Яркирар бахт бундан ҳам,
Юрт бўлур тағин кўркам,
Тенги кам, сўлим, суюк.
Уринчок, кодир экан
Юртда меҳнаткаш одам.
Режалар шундоқ содда,
Тиник, ҳаётний, буюк!

Меҳнатчи ўтда куймас,
Сувда окмас, бу аниқ...

Не хазина ётипти
Биз деб тупроқ тагида.
Алп элимга муносиб
Рақам бу, олам коник,
Бари ҳақ, дарё ётар
Жажжи сувлоқ тагида.

«Уйида йўқ гўжалик,
Кўнгли тилар хўжалик...»
Мазахлашарди шундоқ,
Гала аблаҳ бир маҳал.
Ҳа, ўзимиз хўжайин,
Даври даврон режалик,
Режалик ва донғил йўл,
Мушкулот режада ҳал!

Дилда яратмоқ ишқи:
Чўл бўлур пахтага кон,
Яралур не кошона,
Не янги сой, янги йўл.
Бўзларда, адирларда
Пишар чарос ва оқ дон,
Олтин ҳам, тўрлама ҳам,
Иилдан-йилга тўкин-мўл.

Байроқдорим, саркорим,
Бошлайвер доим олға,

Гурурим ва шарафим
Ленинчи гвардия!
Азмингга, парвозингга
Коммунизм кўналга,
Йўлбошчим, пўлат сафим,
Коммунистик партия!

1966, февраль.

Т У Н...

Пойтахтга келар эди
Янги шарқдан тўрт элчи —
Бобо деҳқон, чорвадор,
Темирчи ва ҳунарманд,
Шошар, оталаридан
Олмоқчи гўё энчи,
Иўл азоби беписанд,
Гўр азоби беписанд:
Лениннинг нақ ўзига
Арзи-ҳол айтишмоқчи,
Лениннинг дийдорига
Бир тўйиб қайтишмоқчи.

•
Уйлашар: шубҳасиз у —
Норғул, сипо, девқомат,
Оқпошшони йикарми
Анов-манов паҳлавон?
Кўрдилар, лол бўлдилар:
Аломатдан аломат,

Урта бўйлик, гўлабир,
Кенг манглай, дилкаш, бийрон.
Йўқ, Ленин на паҳлавон,
На вали фавқулодда,
Микти-ю, алпу лекин
Қамсукум, танти, содда.

Қипчақий кўзларида
Исён, минг йил ғуссаси,
Тагин улугликка хос
Қўрағонлик ва олов.
Наҳот оддий шу сиёк —
Шунча доно, шунча дов,
Наҳот бир давр юкини
Қўтаролса жуссаси...
Ўтмишини ёддан билар,
Ҳозирдан кўп хабардор,
Келажак ҳам измида,
Шундок ғалати сардор.

Мана ўртада Ленин,
Бешовлон қураб гурунг,
У сўраб: пахта мўлми,
Сув мўлми, калай чорво?

Ипак кимда, дом нучук,
Нега кам ёпоги, юнг?
Юрт эгаси ҳозир — сиз,
Бўлманг асло бепарво!
Чачвон ёнгуси қачон,
Расм бўлур қачон қошиқ,
Токай шубҳада қийнар
Сизларни ёлгон-яшиқ?

*

Узоқ суҳбат сўнгида
Не чигиллар бўлди ҳал:
Кўли қадок шарк учун
Бир эшелон газлама,
Бундан ошиғига ҳам
Бормиди у вақт чама!
Кетар чокда оталар
Удумига келди гал:
Ахир кўярда кўймас
Қийгизишди булар тўн,
Унчалик камёб эмас,
Унчалик эмасди жўн.

*

Эҳтимол, бу удумга
Дуч келмиш биринчи гал,
Кўзларида ним кулги,
Ҳозир беўлчов хушҳол.
Ҳаяжонини босиб,
«Куллуқ!» дер эгилиб сал,

Ҳозир Ленин гўёки
Осиёлик оқсокол.
Агар олмаса, булар
Ранжишини биларди,
Билгандан тўртовини
Шундоқ рози киларди.

*

Кечагина кўз очмиш
Ахир асрий уйқудан,
Шўрлик, дилшикаст, ҳалол,
Еруғликка тим чанқоқ.
Эски дунё кўппакдай
Торткилашда қўркувдан,
Бошларида ноинсоф
Чакмоқчи яна ёнғоқ.
Эполетлик амалдор,
Тубжойлик фирром тўра —
Инқилоб ваҳмасидан
Тагин иноқроқ жўра.

Ҳали бу эл ёдида
Отлик казак қамчиси,
Яраланган йўлбарсдай
Дилларини ўртар ўч.
Кечагина узилмиш
Карамлик арғамчиси,

Эрк учун оловга ҳам,
Сувга ҳам тушар кўч-кўч.
Еругликни бир кўрган
Қайтмас қоронғуликка,
Эрк гаштини бир сурган
Бўйин эгмас қулликка.

Янги шарк элчилари
Кетди-ку, ахир боя,
Эғнида тўн, тик турар
Хаёл суриб у ёлғиз:
Қалбингни чўқий олмас
Кўшбош қузғун ялмоғиз,
Пўқ ортик у фалокат
Сололмас совуқ соя.
Ортик хор инграмайсан,
Ўзбекня¹ тупроғи,
Бўлгайсан шарққа улғи
Ва мангу эрк маёғи!

Эй, ноёб ва қутлуғ юрт,
Суюк, серҳикмат деҳқон,
Менга тўн кийгиздингу,
Ҳали ўзинг юз курок.

¹ Ленин таъбири.

Жаҳонни қийинтиргунг,
«Куллук» дер ҳали жаҳон,
Толгуси бахтинг тuroк,
Ёркинрок ва эзгурок.
Эй жафокаш, уринчок,
Чайир ва қора косиб,
Муъжизакор дастгоҳлар
Сенга қандок муносиб!

•

Надюша, тамоша қил:
Шу бир тўн — сўлим ва соз...
Кўз олдимга аввало
Келур пиллачи аёл,
Тўқувчи ва тикувчи
Гўдак ё юз яшар чол...
Узоқ фалсафаси бор...
Бир ҳунарки, мисли оз...
Бу — меҳнатқаш, чўнг халқнинг
Менга дилдан сийлиги,
Одам отадай қадим,
Шарққа хос сахийлиги!

•

Биллурданми ўриши,
Нурданмикан арқоғи,

Е кўда камалакдан
Тўрт қулоқ узишганми?
Е ҳумо патларими,
Е қуёш ранг япоғи,
Е юртида илк баҳор
Нақшини чизишганми?
Доно элнинг сеҳргар
Санъатидан томчи бу,
Заҳматга иноқ дилдан
Энг холис пайғомчи бу!

*

Бундан сўнг сира-сира
Евузга емтик бўлмас,
Евларининг жонини
Сук ўртар тутун тахлит.
Дилда армони қолмас,
Қамчил ё кемтик бўлмас,
Бахти ҳам, тупроғи ҳам
Мангу пойдор ва яхлит...
Ғубор қолмас бу йўлда
Бағрининг лахтасидан,
Олам жаранглар ҳали
Ипағу пахтасидан!

*1964, декабрь,
Москва.*

ТУҒРИ ИУЛДА...

Бекатмиди, раватмиди,
Кентмиди ё карвонсарой?
Ё расмона шаҳармиди,
Калъамиди, не гузаргоҳ?
Баланд, ёруғ, катор-қатор
Не кошона? Бу қандок жой?
Ҳар қалай бу юз қалъадан
Ардоқлироқ улуг даргоҳ!

Кириб келди баланд пештоқ
Дарвозадан Ўзбекистон,
Пойтахтлик ишчи синфи
Кутиб олди очиб кучоқ...
Кенг зал тўри, чўнг саҳнада
Ленин ўзи турар шодон,

1 40 йиллик тўй кунлари, Москвада Лихачёв номидаги автозавод ишчилари даврасига Ўзбек адиблари ва санъаткорлари меҳмон бўлиб борганида ёзганим.



Ажабланмас, сал жилмаяр,
Меҳр оташи ўчоқ-ўчоқ.

Ленин кўрар: кучоқлашар
Соғинишган оға-ини,
Ҳол сўрашар, кўзларидан
Аримайди ним кулгулар.
Бир-бирининг дийдорига
Сира тўймас, гапнинг чини,
Қалин дўст-да, ахир булар!

Якин юз йил, балки кўпроқ
Балога дош бермиш бирга,
Пўлат янглиғ тобланмишу,
Синоқлардан ўтолмиш мард.
Якин юз йил туз татишиб,
Эрк учун бош бермиш бирга,
Еруғ, эзгу туйгуларга
Кўнолган йўқ бир аср гард.

Туйгуларки, тоғлардаги
Булоқлардай биллур ва пок,
Оғир кунда бир-бирига
Талай-талай чўзишган кўл.
Оғир кунда талай-талай
Бирга диллар бўлганди чок,
Бу йиғласа, унисининг
Бағри эзик, ёқаси ҳўл.

Уч кэ йиллик қарам вақтда
Дарддошлиги ҳамишайди
Бири ажал зарбли гурзи,
Ўзга бири олчин тўқмоқ,
Зулм дорларин кулатарда
У болта-ю бу тешайди,
Бири дангил йўл бўлганда,
Ўзга бири худди сўқмоқ

Бир-биридан ўрнак олди,
Сабок олди, ўрганди кўп,
Шу сабабдан қирк ёшини
Қилса арзир юртга кўз-кўз.
Сок туришар икковлон ҳам:
Дўст кўзига тушмасин чўп!
Шу сабабдан қутлуғ тўйи
Жарангдор куй, айтгулик сўз.

Ленин эслар: қирк йил аввал
Кўрган эди анча забун,
Ленин эслар: завол эмас,
Қамолига йўқ эди шак.
Неча қатла шу халқ учун
Бўлган эди жигари хун,
Кўллаганди гангиб қолса,
Еки бўлса олазарак.

Билардики, ёвуз кузгун
Сололмайди нахос човут,

Ҳар ўтқунчи ва найрангбоз
Кўёлмайди ортиқ тузоқ.
Эзгу бахтин кўриб турар
Бурро килич ва курч совут,
Билардики, жаҳон қойил
Бўлмоғи ҳам эмас узоқ.

Дангил йўлда жавлонига
Жаҳон қойил, баракалла,
Сиймосида аён бахти,
Ёрқин кунни, чўнг келажак...
...Кенг саҳнада бирин-кетин
Кувноқ ўйин, янғроқ ялла,
Гўё кўклам тонгида туш,
Ёки ажиб, дилбар эртақ.

Ленин хушвақт кўлин силкиб,
Жилмаярди такрор бу кеч:
— Ҳей, валламат ишчи синфи
Кўп розиман, нима ҳам дей,
Тўғри йўлда кетаяпсан,
Тўғри йўлдан айнима ҳеч,
Тўғри йўлда кетаяпсан,
Меҳнат ўғли ўзбеклар, ҳей!

1964, 16 декабрь,
Москва.

ОРДЕНЛИ...

Зийрак чол уйкудан уйғонур саҳар,
Янги чопонни ташлар эгнига.
Уфқ ёқасидан тўкиларкан зар,
У секин йўл олар дала кўйнига.
Қайрилиб бокмайди шитирлаб тушган
Олтин япроқларга, кўз чехрасига.
Бокмайди қировга, тўп-тўп учишган
Кушларга... фаслнинг янғроқ сасига.
Бокмайди саҳархез ўзидай чолга,
Сал кийшиқ минору азон мунгига.
Қайрилиб бокмайди кўҳна аҳволга,
Узга севги солган бобо кўнглига.
Олтин уфқларга чўзилиб кетган
Пахтазор ҳуснига тушар илк назар.
Саҳар-да, тунларда ишқини тутган,
Бобо ёт севгидан қилади хазар:
— Қўксимга Ленинни таққан элимга
Саҳар саломини олиб бор, сабо.
Белга кувват, илҳом солди дилимга,

Даврингдан айланай,— дейди чол бобо,—
Даврингдан айланай, ҳар саҳар турсам,
Сурати ўтади кўзим олдидан.
Кўнгилда қолади ҳаттоки ўлсам,
Ҳеч нима ололмас уни қалбимдан...

...Йил бўйи тер тўкиб, колар эдим оч,
Болаларим кезар эди дарбадар,
Бухоро тахтида нонкўр, олтин тож,
Евғон гўжамизга кўшарди заҳар.
Шундай саҳарларда миноралардан
Чўлларга оқарди кетма-кет азон.
Дўзах ваҳмасидан жон титрар экан,
Ранглар ҳам хазон...
Энди билсам, бари аврашнинг ўзи,
Зада эди юрак, хун эди жигар,
Доғули нағмаси экан ҳар сўзи,
Қарор топган экан тахта жодугар.

Чолнинг сўзларини тинглар даласи,
У тунда ҳам ҳозир, саҳар ҳам пайдо.
Бахтиёр Ватаннинг кекса боласи,
Боғу роғ кўркида бахти ҳувайдо.
Тер тўккан чол бобо, дам олган тушда,
Юртига таниглик улкан пахтакор.
Шу ариқ бўйида қилган нонушта,
Ҳар одим тупрокда унинг изи бор.
Шунинг учун бобо уйғонур саҳар,

Янги чопонини солур эгнига.
Уфк ёқасидан тўкилганда зар,
Иўл солур пахтазор дала кўйнига.
Иўлда эшикларни қоқиб ўтар чол.
Каттакон кишлокнинг ўчар уйкуси.
Боғларга меҳри-ла боқиб ўтар чол,
Ножўялик кўрса оқарар туси.
Бобо кўзларидан қочмас ҳеч бало,
Бир зумда далани чиқар айланиб,
Уни танигандай тебранур дарё,
Тебранур кўз етмас пахтазор таниб.
Ленинни эслар у ҳар кун субҳидам.
Оппоқ соколидан силайди сабо,
У ахир юртида жавобгар одам,
У ахир колхозда каттакон бобо.

1938, Бухоро.



ЧҮЛ ЧЕЧАКЛАРИ

*Чўлда не яшил шаҳар,
Не-не оқ сарой кўрдим.
Хаёлий беҳишт эмас,
Сулув, чинакам беҳишт.*

СИРДАРЕ...

Сирдарё ўланлари,
Жарангла довои-довои,
Сирдарёдай тўлқинлан,
Қўшиғим — безаволим.
Сирдарё осмонида
Қанот ёз мисли тарлон,
Эй, учагон хаёлим!

Сирдарё соҳиллари —
Кўз илғамас асрий дашт,
Ардоқлик ўлка бугун —
Ясоғлик ва тежоғлик.
Ҳар куни — шўх бир ялла,
Лол қолғулик саргузашт,
Ҳар қадами тежоғлик —
Шу сабабдан бежоғлик.

Юртимнинг яшил кўрки,
Шавкати, баракаси —

Она дарё, кут дарё,
Саҳий дарё, сут дарё,
Не дарёлар укаси,
Не дарёлар акаси,
Бахти мангу бут дарё...

Кенг кулоч, қадим тупрок —
Кўҳлик баҳор чечаги,
Таги мўл хазина-ю,
Тупрокнинг олтин кўри,
Хавф солмас алмисоқнинг
Гирдибодлик чўпчаги,
Ҳеч ким ортик айтолмас:
«Такир чўл, манглай шўри...»

Экинзор, яшил яйлов —
Ковжирок эмас бугун,
Говмишлар пода-пода,
Баркаш-баркаш елинлик.
Сароб янглиғ алдоқчи
Ва йироқ эмас бугун,
Янги кентлар, шаҳарлар
Гўдак бозор — келинлик...

Келинлари сут соғар,
Булоқ-булоқ оқар сут,
Боғма-боғ учар, сайрар
Кушлари чулдур-чулдур.

Кўчаларнинг ёқаси
Толзорлару катор тут,
Эй, сен меҳнаткаш инсон —
Кўнглинг гул, кўлинг гулдиғ!

Неча эл, неча элат —
Меҳнат, тўй, гулгун турмуш
Туғишганлардай яқин,
Қалин жигар, кўлдош, дўст.
Ленин ўйлаганлари
Бунда салтанат қурмиш,
Пахтақору чорвадор —
Қун сайин бекаму кўст...

Шафак дуррали қизлар —
Толма белу чилвир соч,
Машинларга суворий,
Ёз кетида — қишлари.
Гўзалликлар имлашар
Йўлчига боқиб кийғоч,
Чечакларки, кўкламнинг
Ёрқин жилмайишлари...

Утмишни эслагум йўқ,
Дилим бўлмасин хира:
Чоракор — чораккина,
Бой бобом — хирмон-хирмон..

Емон ёлчитмас, дەرлар,
Яхши алжитмас сира,
Эй элим, понинг бутун,
Юзинг шафақлик ширмон...

Юртимнинг яшил кўрки,
Шавкати, баракаси,
Она дарё, кут дарё,
Саҳий дарё, сут дарё,
Не дарёлар укаси,
Не дарёлар акаси,
Бахти мангу бут дарё...

1963, май, Еттисой.

БЕҲИШТ

Чўлда не яшил шаҳар,
Не оқ саройлар кўриб.
Шўрлик бобом яшаган
Ер таги ёдга тушди.
Юлғунзорда — экинзор,
Ҳовлиқма сойлар кўриб,
Утмишининг бир армонли
Эртаги ёдга тушди:

Эмиш юз йил бел бук-у,
У дунёни ўйлагин,
Бу дунё — ёлғон дунё,
Бир нафаслик, ўткинчи.
Такдиригдан нолима,
Хақни дилдан қўймагин,
Ўзганинг давлатига
Сукланиб бўлма кунчи.

Эмиш қодир мавлон
Мўмин бандаси учун

Етти кўндан баландрок
Яратмиш етти беҳишт;
Кўнглинг неки тусаса —
Шай туради гуногун,
Саройларки ёқутдан,
Забаржаддан ҳар бир гишт.

Нозик адо, хипча бел,
Фусункор не там-там қиз,
Ариқларда кўпириб
Оқар бол, оқар шароб,
Фаришталар турармиш
Саф чекиб ва чўкиб тиз..
Нечоғли сўхта армон,
Қандай сеҳрли сароб!

То ўлгунча бахт излаб
Не боболар, ҳе аттанг,
Ушандай алдоқларга
Дилдан инониб кетмиш.
Чўлдаги чечаклардай
Чанқоқ, диқнафас, гаранг,
Бадбахтлик дўзахидя
Уртаниб, ёниб кетмиш.

Сўз йўк, сўлим афсона —
Банг ёки аччиқ бола,

Сўз йўқ, не боболарни
Тутолмиш ошиқ ва маст.
Уи уч аср бахт кўзлаб
Шўрликлар у дунёдан,
Яшай берган ярим оч,
Ярим юпун, дилшикаст...

О, улуғ Ленин асри,
Меҳнат ва бахт даврони,
Одамзод зеҳини сен
Чархлай олдинг яроқдай.
Беҳишт ярата олди
Бугун асрим инсонни,
Меҳнат довруғи юксақ,
Яркираши байроқдай.

Чўлда не яшил шаҳар,
Не-не оқ сарой кўрдим,
Хаёлий беҳишт эмас,
Сулув, чинакам беҳишт;
Мирзачўл ўлкасини
Юз беҳишtdан бой кўрдим,
Нечогли кўркам беҳишт,
Қай беҳишtdан кам беҳишт?

Олмазорларда кезгин,
Анорзорларда юргин,

Беҳишт нафаси бунда,
Кут косаси лиммо-лим
Меҳнаткаш шу инсондай
Меҳнат завқини сургин,
Тенг тер тўқар сувчи ҳам,
Бобо деҳқон, ёш олим.

Баридан оқ момиғи —
Фаҳри, пешона тери,
Нондан азизроқ, эзгу,
Юз ғазнадан қимматли.
Бунда мардларнинг марди,
Бунда эрларнинг эри,
Ҳар пахтакор ҳотамдай
Жўмард, танти, ҳимматли.

Уша еттала беҳишт,
Майли, бўлсин ўзига,
Бизга азиз — меҳнаткаш
Одам яратган дунё.
Кўз очик, ишониш йўқ
Ўшаларнинг сўзига
Бизга Ленин йўриғи
Бебаҳодан бебаҳо!..

1963, Сирдарё.

ЧУЛ КЕЧАСИ

Чексиз чўл юзига тушади аста
Олис шалоладай оқшом салқини,
Кўкка тўлиб кетар юз ранг гулдаста,
Пилпиллаб сўнади кўёш ёлкини.
Кун бўйи қора тер тўкиб, уриниб,
Хирмонни тўлдирган қизлар, жувонлар,
Донғил йўл чангида елиб, суриниб,
Бекатга югурган шофер ўғлонлар,
Кема дарғалари, бригадир, ошпаз,
Хирмондан жуда ҳам хушвақт тарозбон —
Ҳордикқа шошилар, қозонлар жаз-жаз...
Қорага бурканар поёнсиз ёбон,
Штабларда чироқ ёнар шу нафас,
Кўкда жимирашар юлдузлар тўп-тўп.
Кўкдаги юлдузлар билан басма-бас
Чўл юзида ёнар чироқ жуда кўп...
Епирай, бу қандоқ тинмагур чироқ?
Юзади, юзади, юзади ҳамон.
Чироқларга тўла яқин ва йироқ,

Чироқларга тўла тўрт томон...
Чироқлардан ёруғ олгандай саҳро,
Ҳаволарда янграр кеча гур-гури,
Ажиб бир кўшиққа лиммо-лим дунё...
Бу — улкан бир жангнинг тинмас сур-сури!
Ҳа, булар бесанок зангори кема,
Зангори кемалар ёққан чироқдир.
Ёруғ юлдузлардан асло кам дема,
Балки порлоқдир!
Кун бўйи тинмаган азиз дарғалар
Юз теримчи учун хирмонлар уйиб,
Тағин пахтазорда уйғоқ йўрғалар,
Кеча салқинига шаробдай тўйиб,
Пойгачи тулпорин совутганидай,
Кўкёл тулпориға қиттак дам бериб,
Ошиқ тушда ўзин овутганидай,
Уйку оғушида бир нафас эриб,
Тағин тулпорларға солишар жилов,
Ботирлик меҳнати Ватанга сийлов...

Эй, зангори тулпор, зангори тулпор,
Мушқулимни осон қилган мўъжиза!
Сенда замонларнинг сеҳрий кучи бор,
Ҳар пайкалда хирмон уйган мўъжиза!
Порлай бер, порлай бер чўл кучоғида,
Эй, кўзга тўтиё, ёруғ чироқлар!
Сизнинг ўрнингиз бор кўз қароғида,
Дарғалар дилидай ёллуғ чироқлар!

Уктам азмингизда, ботир дарғалар,
Пахтакор юртимнинг эртасин кўрдим.
Зангори тулпорлик моҳир дарғалар,
Сизда эрта куннинг эгасин кўрдим.
Шундай кун келади, уқдим чироқдан,
Қалдиروقдай доврук, бонг таралгуси,
Тоғ-тоғ хирмонларни лак-лак чаноқдан
Фақат шу кемалар йиғиб олгуси!

Эй, мушкулим осон этган мўъжиза,
Эй, танти чавандоз, эй, мард дарғалар!
Эй, эрта доетонин битган мўъжиза.
Шавкатга юқтирманг ҳеч гард, дарғалар!
1963, 11 октябрь, Сирдарё.

ОЛХУРИ

Нак никоҳ оқшомиде
Ясанган сулув янглиғ,
Оқ шойи кўйлақдайдинг,
Кўргандим баҳор чоғи,
Кумуш табассумларинг
Кўнглингга кўзгу янглиғ,
Маст этарди офтобнинг
Эҳтиросли кучоғи.

Ез бўйи йигит боғбон
Юз ўргилиб бўйингдан,
Бутаб, тараб, ардоқлаб,
Ҳеч сувсатиб қўймади.
Ез бўйи димоғи чоғ
Сенинг атир бўйингдан.
Тўлишган жамолингга
Юз қараса тўймади.

Олтин куз ҳам келибди,
Шохларинг шигил емиш,

Куёшда яркирашар
Ирик ёкут доналар.
Боғбон йигит меҳнати
Кандай серҳикмат эмиш.
Сават-сават теришар
Келинлару оналар.

Тўйларнинг тансиқ кўрки,
Чиройли куз меваси,
Ширинликда гўёми
Бўй қизларнинг лудоғи,
Дудокдек ардоқламок
Ошиқ боғбон шеваси,
Фахр этса арзигулик
Бу кентнинг чексиз боғи.

1963, Сирдарё.

Ч О Л Л А Р

Чоллар ўтирибди боғнинг тўрида,
Олмазор тўрида, кўркам сўрида...
Балиқлар базмига кўзгу сарҳовуз,
Суви жилдир-жилдир, шабадаси муз,
Сокину савлатли, соябон сада,
Сира ёндошолмай гармсел зада;
Чоллар ўтирибди куриб чордона,
Давраси арзийди десак шоҳона;
Яктакларни оппок, соқоллар оппок,
Бошларда чуст дўппи, кўзлари чакнок,
Чаккаларда ёнар райҳон ё лола,
Чайир кўлларида гардун пиёла,
Ичишади сипоҳ ва секин кўк чой,
Дастурхони тўкин, суҳбатлари сой,
Қорамтир юзларда куёшнинг кўри,
Умрзоқ бахт бермиш меҳнатнинг зўри,
Сўзлашар чўлга илк келган кунлардан,
Қора аёзлардан, кум куюнлардан,
Асов бўронлардан, муз шамоллардан...

Тайсал кўргани йўқ чўл бу чоллардан,
Соҳибкор, билагон, меҳнатқаш, ўктам,
Дунёнинг ўзидай кекса, ҳикмат жам,
Булар чўлда боғ-роғ яратганлардан,
Оқ момикдан не тоғ яратганлардан,
Элимга таниқли, ардоқли чоллар,
Ҳамиша беллари белбоғли чоллар;
Замон зиё тўкмиш булар дилига,
Булар жуда етук тупроқ тилига,
Дунёга бергусиз тансиқ еридан,
Гавҳар ундиришар манглай теридан...
Қим айтар: оламини қари билмайди,
Қари билганини пари билмайди!
Эл бахти — ўз бахти — булар меҳнати,
Элнинг юрагида булар ҳурмати.
Ҳар бири донишманд бир бобо деҳқон...
Ҳа, дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!

1964.

УҚИМИШЛИ...

(Ҳазилроқ)

Бир овулда етти қиз,
Еттови ҳам теримчи.
Текис сулув, микти қиз,
Енгайлари иримчи;
Етти қизга кўл сирдош,
Тушларин йўрар енгай,
Баъзан ҳалим, баъзан ош,
Андак фол кўрар енгай.
Баъзан рост, баъзан ёлғон,
Бир гап айта солади,
Еттовига қоқиб жон,
Кўнгилларин олади.
Севади ўз қизидай,
Еттовлон ҳам яқини.
Қизидай, қирмизидай,
Еттов кўймас ҳақини.

Бир ўқишган ҳаммаси,
Бири ўланга иноқ,

Бири кашта устаси,
Бири чечан, қақилдок.
Бири қийғир ўйивчи,
Узгаси чалар дутор,
Барчасининг суюнчи,
Барчасининг ишқи бор.
Ишки бор, лекин нетай,
Еттови кўз тиккан ёр,—
Очикроқ айтиб кетай,—
Овулда бир йигит бор:
Сулув ё нотик эмас,
На полвон, на яғриндор.
Ҳеч кимдан ортиқ эмас,
Еттов ўшанга хуштор.
Еттови ҳам енгайга
Айрим-айрим айтар сир;
Еттов хуштор Кўпайга,
Севги ўқишар бир-бир.
Енгай қолмай деб довга,
Бир чора ўйлар эди.
Ахир бир кун еттовга
Дангал шундақа деди:
«Ҳой, сиз қора қошларим,
Бахт кўринглар, ўлманглар!
Еттала сирдошларим,
Айтсам, хафа бўлманглар.
Еттовинг ҳам дардинг бир,
Бир севгида куясиз:

Бир-бирингга айтмай сир,
Бир йигитни суясиз.
Элдан ортикми Қўпай,
Еттовинг ҳам тегиб ол!»

Киқирлар хушҳол енгай,
Ҳам хушҳол, ҳам андак лол.

«Вой шўрим!» дер Уғилжон,
«Вой шўрим!» дер Биражаб,
«Вой шўрим!,— дейди Гулжон,—
Вой ўлмасам! Воажаб!»
«Воажаб!» дер Олтиной,
«Воажаб!» дейди Холбу.
Бир зумда қанча вой-вой,
Бир зумда: «Вой, нима бу?
Айтиб бер, енгай, қани,
Бу қандок бўлди ахир?
Лақиллатиб юргани.
Уятмабсиз-да, тақир?
Унчалик сир ҳам эмас,
Еттовмиз ҳам билардик,
Ҳозир аён бўлди, бас,
Биз нима ҳам қилардик.
Бизни авраб олганми,
Қўнглимиз бирдек боғлиқ.
Е жодугар бўлганми,
Севиб қолдик нечоғлиқ?»

Ичкансиз ҳовуч-ҳовуч
Чўлдаги не булоқдан,
Кийиклари ҳурковуч
Олис-олис яйлоқдан,
Туйлардан, йнгинлардан
Не ҳангама уққансиз.
Соғ қолиб киргинлардан,
Ун олтини туққансиз,
Сизда гап кўп, енгайжон,
Кўнглимиз ваҳимада,
Нега севдик еттовлон,
Сири ахир нимада?
Бирдек шайдо килса-я.
Наҳот бир балоси бор?
Сиримизни билса-я,
Е меҳригиёси бор?»

Енгай оқ рўмолини
Иягидан ўтказиб,
Тарин ташлар фолини,
Еттовини ўтказиб:
«Ҳой, на меҳригиёси,
На сеҳри, кимиёси,
На кўздаги зиёси
Е бирон тўтиёси...
У фақат ўқимишли,
У билмаган китоб кам,
Шу вайдан эсли, ҳушли,

Унда не-не ҳикмат жам.
Баъзан мумдай тўлкиши,
Юз ҳикоя тўқиши,
Баъзан болдай балқиши,
Ошиқона ўқиши,
Баъзан кўлдай чалқаш.
Дилларга ўт ёқиши,
Ўз ўрнида олқиши,
Ўз ўрнида чақиши,
Ҳамиша топқирлиги,
Сувдай ёд кўп ғазали,
Той каби чопқирлиги,
Ёқимлигу мазали...
Еттовингни боғлаган —
Уша билағонлиги,
Еттовингни доғлаган
Ақлининг равонлиги!
Бошимни оғритмайин,
Кани, баринг жўнаб қол,
Севгингни қаритмайин,
Еттовинг ҳам тегиб ол!»

Енгай қикирлаб кулар,
Ҳайрон боқишар булар.

Бир овулда етти қиз,
Еттови ҳам теримчи.
Бари олмадай қирмиз,

Енгайн сал иримчи.
Қаттакон теримдан сўнг
Бир тўй бўлиши аниқ,
Қайси бирян иши ўнг,
Еттовлон бағри ёник...

1963, октябрь,
Еттисой.

Ч У Л Ч Е Ч А К Л А Р И

Кўлимга тутдилар бир боғлам чечак,
Епирай, бу қандоқ оромбахш ранглар.
Ҳар қайси баргидан бир куй жаранглар,
Ешликнинг ўзидай шўх, соғлом чечак...

Теваракка боқдим, теварак-ку чўл,
Қайда ўсди экан, гулзори қайси,
Кўчат ўтқазилган баҳори қайси,
Парвариш берибди қандоқ азиз қўл!

Дедилар: бунчалик бўлма ҳайрон, лол,
Тенгсиз бу чечаклар — чўл чечаклари,
Меҳнаткаш, ижодкор қўл чечаклари,
Ололсанг шулардан барқ ол ва ранг ол!

Дедим: ишонаман инсон азмига,
Кошки шеърларим ҳам шу чечаклардай,
Яркирок, фусункор шу эртақлардай
Кўрк бўлса тўйларга, бахтлар базмига!

1964, Сирдарё.



СУВ ВА СУЛУВ

*Эгил, бир нафас эгил,
Эгилмаган бошим, хей!*

МАНГУ ОЛОВ..

Эгил, бир нафас эгил,
Менинг оппоқ бошим, ҳей!
Пирпираб турганидай
Қутлуғ ва ял-ял ялов,
Бунда ёнар бир олов,
Мангу — мангулик олов¹,
Сукут сақла бир нафас,
Кўзда милт-милт ёшим, ҳей!

Бу чўнг обида таги —
Номи ўчмаслар жойи,
Бунда мангулик ухлар
Қалби оташ қурбонлар;
Ленинчи инқилобга
Булар бари фидойи,

¹ Инқилоб қурбонлари монументи пинжида мангу олов ёниб турганини кўрганда ёзганим.

Эрк ва бахтга жонларин
Аямаган инсонлар,—
Таъзимкор ўт танишу,
Нотаниш юртдошим, ҳей!

Ухлашар, ором олар —
Оромга ҳақлари бор —
Мангулик кучоғида;
Мангуликнинг ўзидай
Мангу ёнар шуъладор
Самарқанднинг боғида;
Эслаб ўт кимёгар,
Тўқувчим, наққошим, ҳей!

Булар кўзида оташ
У кун сўнмиш бизни деб,
Кўкракларида синмиш
Золим замон сунгуси;
Булар кетмиш бизни деб,
Сиздай ўғил кизни деб,
Мангу бахт жаннатлари —
Шу қонлардан унгуси;
Эгилгин ўғлим, қизим,
Севгим, ёстикдошим, ҳей!

Ерлар, кўклар, фалаклар
Бош эгсалар арзийди,
Булутларни қоқ ёрган
Ҳаттоки чақинлар ҳам;

Еркин, соз келажаклар
Бош эгсалар арзийди,
Юз гирдоб қудрати ҳам,
Минг дарё, оқинлар ҳам...
Эгил, бир нафас эгил —
Эгилмаган бошим, ҳей!

Бударнинг хотираси
Замондай ёруғ, янги.
Замондай салобатли,
Замондай мангу тургай,
Булар азмидан кўкка
Кўёлдик-ку узанги,
Абадулабад ёнгай,
Зулматни қувгай, сургай...
Шу оловдай ёна ол,
Ёрти аср ёшим, ҳей!

Эгилиб ўт ҳамиша
Азиз ватандошим, ҳей!

*1964, июнь,
Самарқанд.*

ЧАНҚОҚЛИК...

Кечалар мижжа қоқмай,
Кўз нурларим тўкилиб,
Сигара тутунига
Упкам чўмилса ҳамки,
Яхши кўшиқ ишқида
Сийнам ҳатто сўкилиб,
Юраккинам қурумга
Юз гал кўмилса ҳамки,
Пайсаллашга вақтим оз,
Тер тўқаман, жиламан,
Майли аёз, майли ёз,
Чўққига интиламан.

Яратмок, курмок учун
Келдик ахир жаҳонга,
Ғафлатдан тоқатим-ток,
Ҳушим йўқ уйкуга ҳеч.
Инсонлиқни унутмок
Гуноҳмасми инсонга?

Хасталик баҳонамас,
Йўлдан қўйманг, қолмай кеч!
Кузги япроқ бўлгим йўк,
Хазоним олис ҳали,
Ҳали жуда кўнглим тўк,
Давроним олис ҳали.

Куёш тошқинларини
Сипқаргум мисли шароб,
Шўх боладай чўмилгум
Ҳаёт дарёларида,
Гангитолмас тилсимлар,
Алдаёлмас ҳеч сароб,
Учгум ҳали бахтимнинг
Еруғ фазоларида.
Мени нотавон демаяг —
Сочимнинг оқлигидан.
Кексаликда бу жаранг —
Қалбим чанкоклигидан!

Майли, ҳансираб қолай,
Имилламайин лекин,
Кетда қолмокнинг ўзи
Юз ўлимдан ёмонроқ.
Ҳалол нон ошаб-яшай,
Бир ушоқ емай текин,
Меҳнаткаш юрт олдида
Юзим бўлсия доим оқ...

Кеккаймоққа ҳавас йўк,
Бўлолмаймак ҳавойи,
Меҳнатсиз бир нафас йўк,
Мен илҳомга шайдойи.

Уз эркининг эгаси —
Инсонга ошиқлигим
Элимга сир эмас-ку,
Уша қирчин ёшимдан.
Заминга ошиқлигим —
Замонга ошиқлигим —
Улгунча барқ уради
Ҳар зум ичу тошимдан,
Зар сочгучи дарёмдай
Даштларга дармон бўлгум.
Жуманбулбул бобомдай
Кўлда саз билан ўлгум.
1964, Самарқанд.

ДОРИЛФУНУН ХИЁБОНИДА

Сенда кезарканман, тушади ёдга
Усмирлик йилларим ва дорилфунун —
Тоб беролмай ёруғ бир гирдобга,
Чекинарди у вақт жаҳолат, жунун..
Хиёбон! Юз йиллик чинорларингки,
Боболардан ёлгор, салқин, соялик.
Яшил гумбазлару минорларингки,
Ҳар қайси саргузашт ва ҳикоялик.
Оташин усмирлик гувоҳи бўлар!
Сирдош бир чинор ҳам бор орангизда.
Эҳ-ҳе, оқиб кетди не оқин сувлар.
Бугун мана тағин мен даврангизда..
Еш келинлар янглиғ ўралибсиз-ку
Бугун сахий қишнинг оқ ипагига,
Не чоғли бўйдорсиз, серсавлат, сулуви!..
Келдим аста таниш чинор тагига,
Бошим эгиб турдим, қор ёғар эди,
Икков пичирлашдик, сўрашдик соғлик.
«Эҳ-ҳа, сен ҳам қордай оқсан-ку! деди.

Бошланди бетовуш ҳазил, вақтчоғлик.
«Сен-чи, ўшамисан? Сен — ҳамон ўша,
Қор кўйнида тағин қирчиллабсан зап.
Ҳамон ўша сўлим ва холнй гўша...»

— Сўйла, нима гап?

«Эсингдами, у вақт келардим ҳар кеч.
Баъзан келар эдим ҳатто эрталаб.
Кимнй кутганимнй билармидинг ҳеч,
Сочларим оқарар эди битталаб».

— Нега?

«Кўргандинг-ку, ўша илк севгим,
Ўша илк севганим келмайин қолса,
Не соч, ўзлигим ҳам оқарарди жим,
Не килай, ишқ шундоқ савдолар солса...
У вақт тўрт ёнингда пастқам кўчалар,
Осмондан ёғарди кеча-кундуз чанг.
Қора кўлкаларда мудраб кечалар,
Еруғлик сўкмокка тушарди аранг.
У вақт ариқлардан оқарди безгак,
У вақт қатраларда яшарди ришта,
Жонга ваҳм соларди қадимнй эртак...»

— Бугун бари ўзга, бари саришта!

«Ака ука билан пичоклашарди
У вақт Регистоннинг холий четида.
Зулмат ва жаҳолат кучоклашарди
Снёб кетида..

Ола чопонларинг қани, ажабо?

Қани сур тумандай кезган хаёлот?

Қайда не жонларга чанг солган вабо.
Кани у ҳаёт?
Тўрт ёнингда баланд ва оқ кошона,
Кўркингда барқ урар ёруғ бир олам.
Савлатингда аён қутлуғ замона,
Соҳиби давронинг — меҳнаткаш одам!
Эй азиз хиёбон, менинг ёшлигим
Сенда қолган эди, ростми, ёдга ол.
Шеър у ҳикмат билан илк сирдошлигим
Сенда қолган эди...»
Шу зум битта чол,
Чинордай чол келиб қолди ёнимга,
Ҳа, ўша гулчи-ку, боғбон, донишманд.
Юрагим тор келиб ҳаяжонимга,
Дедим: «Салом бўлсин, азиз Самарқанд!
Сенда қолган эди менинг ёшлигим,
Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо!
Сенда қолган эди қалам қошлигим,
Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!»
Шу кез дорилфунун эшикларидан
Хиёбонга тўлди ёшлар оқини.
Бари олтин даврон бешикларидан,
Кўзларида чакнар билим чақини.
Ҳайрон ва бахтиёр қарайман жимжит,
Кўлини кўтариб шундоқ деди чол:
— Ёшлигин изловчи, ҳей оқсоч йигит,
Ёшлигингни ол!
Ҳа, мен ёшлигимни ва шўхлигимни

Шу навқиронларнинг кўзида кўрдим.
Уша илк севгимни, қалб чўғлигимни
Шу ёш жононларнинг юзида кўрдим.

Шеърга сизмай қолди бахтиёрлигим...

*1963, 25 декабрь,
Самарқанд.*

УШАНДОҚ...

Расадхона эмиш шу харсанг девор...
Бир вақт Самарқанднинг энг юксак жойи,
Замон мўъжизаси, билим саройи,
Тоғ жуссали, сўлим, улуғвор.

Расадхона эмиш шу харсанг девор,
Кечалари юлдуз гадоси бўлиб,
Самовий гўзаллик шайдоси бўлиб,
Термилармиш уйгоқ у тождор.

Сулувлар кўзидек тенгсиз, яркирок,
Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги,
Бири юз асрлик, бири кечаги,
Бир-биридан сирли ва йирок.

Сулувлар кўзидек пир-пир доимо,
Еки ёмишларнинг ёруғ хатидек,
Еки хумоларнинг ёллуғ патидек,
Доимо ваъдакор шўх имо...

Ҳар янги юлдузга қўйиб янги ном,
Жадвалига битиб бир-бир шарҳини,
Дарк этармиш учқур фалак чарҳини,
Кўкка интик, риёзатга ром.

Одам фаҳри эмиш сўлим Самарқанд,
Олам фаҳри эмиш тождор аллома,
Ҳар кеча заҳмати бўлак ҳангома,
Кундузи ҳам тинимсиз гарчанд.

Юлдузани ўшандоқ севолса киши
Ушандоқ юксакка толпин, ҳей ўғлон,
Агар толпинмасанг, бу — ўша жаҳон —
Араванинг эски тиркиши...

Бобо меросига бўлолгин эга,
Сомон йўлларида кезарсан, балки.
Тиришканинг зарби шундоқ дангалки,
Ҳатто тошга қоқармиш чега...

1964.

ЕЗ ҒИҒИРИ

Ез ғиғири ғиғири сим-сим...
Боғлар чангин юваяпман, дер,
Чўл таптани қувапман, дер —
Қулоқ солсам қўшиғига жим.
Сим-сим ғиғир — обирахмат-ку:
Ирмоқлардан жилға бўл, майли,
Жилғалардан сойга тўл, майли,
Обирахмат — бу баракат-ку.
Пахтакорнинг кўнглини чоғ эғ,
Ғўзаларнинг ол ғуборини.
Ҳозирданок чал куз торини,
Офатларни йўлатма, доғ эт!
Экинзорни ҳафтранг товлантир,
Сувчиларнинг юзин силаб ўт,
Фақат яхши тилак тилаб ўт.
Чорвадорнинг кўзин қувонтир...
Сим-сим ғиғир, сирли соз мисол,
Пичирлайди она табнат.
Саҳийлиги ортгандай қат-кат,

Гўё дейди: ол, ол, олиб қол!..
Унутма, ҳой, шоирингни ҳам,
Кўкрак тўла нафас олайин.
Гўзалликни куйга солайин,
Ез ёмғири, кузги баракам!
1944. Самарқанд.

Г6

СУВ ВА СУЛУВ

Етилган жувон каби
Ҳансирар бўла тупрок.
Чанқок ва чатнок лаби,
Сув!— дейди,— сув бер кўпрок!
Пахтазор эксиз-чексиз,
Жаннатдай барк урарди,
Эгатларда битта қиз
Сув сугориб юрарди.
Сўлқилдок, дўндиккина,
Яланг оёк, қорамтир.
Кўз чақмоқ, пучуқкина,
Ҳар одими гуё сир:
Ташналаб ғўза шув-шув,
Барг силкиб, пичирлашар,
Бир-бирига иноқ-ку,
Имлашар ва сирлашар:
Сув — сулудан сулуврок,
Сулув — сувдан сулуврок...

Завқ тошар юрагида
Сувнинг жилдирашидан,
Ҳар туп ғўза тагида
Уйнаб пилдирлашидан:
Пайқайди: бу — саратон,
Ҳар қатра сув — бир чаноқ.
Жилмайиб қиз ноғиҳон,
Қизарар гулдай ёноқ.
Янграйди олислардан
Дўриллаган бир овоз:
Дилда жўшқин ҳислардан
Хабардордек саҳий ёз,
Таниш овоз, бўйдоқ роз,
Бу — ишқининг алласи.
Ишқим, — дер, — сабр эт бир оз,
Ғанимат сув палласи!..
Сув — сулудан сулувроқ,
Сулув — сувдан сулувроқ..

1964, Самарқанд.

Ш У М Г И Я...

Тиззадан тупроқ чошиб,
Тиззадан жўяк олиб,
Бобом қовун экканди,
Жаннатдек бўлди полиз,
Ҳар палак худ қирқтадан
Гулу тугунак солиб,
Саратон яллиғида
Сув сўрар эди ёлғиз...
Бобо деҳқон-да бобом,
Уч гал сув берди, холос,
Чопиғи тўрт бўлувди,
Ўздик ҳатто хандалак,
Бобом бир кун полизда
Кўтарди айюҳаннос:
«Шумғия!» деб шум кўкат
Юларди, жони халак.
Юлган билан бўлмади,
Юлган билан бўлмади...
Яшил полизимизда
Қурий бошлади палак,
Уйқусиз ўтар тунлар,
Сал қолдики ўлмади.

Арвоқ сингари орик,
Боши ҳам сарак-сарак...
Бутун умид шундайди,
Йиллик ризқу рўзи-да,
Саҳарлар қарсиллаши,
Шинни-ю қовун қоқи.
Бир алам ёнар эди
Бобогинам кўзида,
Сўкиб қўярди тажанг:
«Ҳа сени, манжалаки!»
Битта пайдо бўлса, бас,
Кетар экан кучуклаб,
Бобом оҳ уриб, дейди:
«Тегди ўхшар ёмон кўз!»
Кирки чиққан оғриқдай
Авайлаб ва учуклаб,
Тополмади ҳеч илож,
Ранги ҳар кун бўздан-бўз.
Илдиздан кўпориб,
Ўт кўйди ахир бобом,
Полизга шундан кейин
Зўрға кирган эди жон.
Ҳаргоҳ бир эслаб дейман:
— Чучвара санаманг хом,
Шумғияга ўт кўйинг,
Ўлатдан баттар ёмон...

1965, Самарқанд.

Ч У П О Н

Сой вағиллаб оқар, жимжит, ёруғ тун.
Ўтлоқ ўртасида ёлғиз олачик,
Тўрт томон елига кўкраги очик,
Эшакдай теват ҳам ётибди беун.
Олисида увларми бўри ё бойкуш,
Майли, чўнтагида шай турар гугурт,
Гугуртлик чўпоннинг юраги бўргут,
Майли, ўраб келсин, бўлмади ноҳуш.
Олов яллиғида ўтирар чўпон,
Бунда тун ҳар қалай изғирик, салқин,
Салқин балосини даф этар ёлқин,
Уйқуда ўтари — тугал, безиён..
Кайнар қора кумгон, кайнар шўрваси,
Тагида пўстагу ёнида чўкмор,
Белида ханжар бор, чақчада нос бор,
Пишлоқ, курт, қатлама тўлиқ тўрваси..
Қозикда осиглиқ митти аппарат,
Бураворса борми, куйлар кенг дунё,
Куйлар, кенг дунёдан сўйлар кенг дунё,

Баъзан яккаликдан безор дил фақат.
Тўнғичи олис, юрт чегарасида,
Чўпонликка мойил эмас кенжа ҳам,
Чўпон меҳри битта неварарада жам,
Бутуи умид ўша неварасида.
Келиб-кетиб турар, остида хўтик,
Ўша ташлаб кетар носми ё кулча,
Сахрога мойилроқ ўша ўғилча,
Байтари илмига ҳозирдан етук.
Олов яллиғида ўтирар чўпон,
Оламни айланиб, хаёл изғийди,
Тонггача юз йўла мудраб, мизғийди,
Ўйқуда ўтари — тугал, бут ҳамон.

1965.

Е П И Г Л И Қ Н О Н...

Қатор дўнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,
Баъзиси бақалок, ўзгаси чўкки.
Бостирмалармикин эшиксиз, бутов,
Ёки чинорларми — тарвақай, дўкки?

Эпкинда мавж янглиғ жимирлар дала,
Ўлан ҳиди тигиз, ҳозир авжи ёз...
Бўрон турса тўсат ёки дўл, жала,
Ё ёмғирдан кейин тойғок ё аёз,
Қисқаси — киши келса, босса қалин қор;
Асқатар ўша пайт шу қатор ғарам,
Қатор ғарамларда ғалати сир бор:
Ғарамлик — офатга бўлмайди қарам..

Чорвадор ўроқчи ўрган хирмон бу,
Кўра-кўра молга ёпиглик нон бу...

•1965.



ҲАЛИ ҲАМ...

*Қайтдим, лекин қани ўша
ғамдийдам,
Тополмадим излаб ҳатто изин
ҳам.*

Г Ҷ Д А К Л И Г И М

Г Ҷ даклигим тутди бугун
Қоратоғнинг этагида,
Ҳаққим бор-да тулроғида,
Булоғида, чечағида:
Ҳаққим қолмиш қаймоғида,
Қовунида, гўжасида,
Ҳаққим қолмиш эртак мисол
Битта пари чеҳрасида,
Чинор тағи, ғарам орти...
Уйнар эдик иноқ-иноқ,
Қундузлари аргимчоғу
Оқшомлари бекинмачок...
Паризоддай ўша қизнинг
Бир ўличга паймони бор,
Излаб келдим, бир ўлганнинг
Дунёда не армони бор!

Г Ҷ даклигим тутди тағин
Қоратоғнинг этагида,

Яратганга ёлворар эл
Кўрасида, катагида:
«Камишкўлнинг камишидай
Бугдой ётар тиралишиб,
Тўсат дўлми, тугурчакдан
Қолмасайди қийралишиб».

Жавоб бергум қарияларнинг
Қайга, деган сўроғига:
Отланганман олис қирда
Кузлик бугдой ўроғига.
Мен ҳам ўргум, боғ-боғлагум,
Ўтин тергум, ҳайдагум хўп.
Йўл-йўлакай мен сингари
Ғўр деҳқонлар борар тўп-тўп.
Бири сўзлар кўк сомсадан,
Бири нукул бўғирсок, дер,
Хўп бошида шу бугунок
Бир кўғирмоч кўғирсак, дер.
Бири лейди: бувим солди
Кўлтиғимга тоғорадан,
Ҳали иссик, пиёзлик бу,
Татиб кўр-чи зоғорадан.
Бири бошлар дўнан пойга
Е тўй кунни улокдан сўз,
Ўрим пайти шундай кувнок,
Гўё ҳайит ёки наврўз...
Чиранишар уриб тўшга,
Мақтанишар келиб жўшга,

Тойдан тушиб йўл оламан
Олачикқа, бизнинг кўшга.

Гўдаклигим тутди тагин
Қоратоғнинг этагида,
Мендай тентак кам дейсизми
Она юртим эртагида.
Тентаксойнинг ёқасига
Нор туяни чўқтиргайман,
Қора кўйнинг қатигига
Қаттиқ нонни бўқтиргайман,
Еки тенгдош чўпонлардан
Қуртми, сузма, боғлам разоч,
Ё бир кесим олқор эти,
Жа бўлмаса ёвғон умоч,
Ё тегирмон бўйларида
Чучмома-ю ковул, коки,
Қоқи есанг, сўғон есанг,
Ғажир есанг — умринг боқи,
Ёки думбул жуваридан
Нондай бодрок, кўрга кўмсақ,
Тентаксойнинг мавжларида
Чавок мисол эркин чўмсақ,
Уч-тўрт лаққа илинтирсақ
Ўроз бобо қармоғига,
Шу хўрак ҳам жуда тансиқ
Соғинганининг томоғига.

Она юртининг ҳатто суви
Не сирқовга даво, дерлар,
Оқар сувдан отдай гижинг
Соғайганмиш не-не эрлар.

Гўдаклигим тутди тағин
Қоратоғнинг этагида:
Мен пойгага жўнай бугун
Амакимнинг етагида,
Катталардай сии айтгайман —
Ким тулпори ўзиб келур,
Бир кунлик йўл, бир қиёмда
Гўё балиқ юзиб келур...
«Балли жонивор,— дер амаким,—
Соврунинг ҳам бир кўра мол,
Кўра молдан бирига ҳам
Эга бўлмас отбоқар чол».
Отбоқар чол олмаса ҳам
Тулпор учун хушвақт жуда,
Совутгани, ем на суви
Кетмабди-да бўш-беҳуда.

Гўдаклигим тутди бугун
Қоратоғнинг этагида,
Ҳаққим бор-да, ахир, ҳаққим —
Тупрогида, чечагида,
Кўшигида, навосида
Онам бедор айтган алла,

Сайроқ кушлар ғавғосида
Ошиқона, бўйдоқ ялла,
Қулогимда ҳали-ҳали
Мунглуғ ўлан, мунглуғ ёр-ёр,
Шу тупроқда менга висол
Ваъда қилмиш бир қиз ҳам бор...
Бир қиз ҳануз қизлигида
Турармиди, телба кўнглим,
Ҳа, сенмисан, келдингми, деб
Сўрармиди, телба кўнглим?

Гўдакликим тутди бугун...
Боболар зап ҳикмат демиш:
Қариллик ҳам, гап тўғриси,
Гўдакликнинг ўзи эмиш...

1965, Туркистон.

БУЛОҚ

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,
Жар тагида ям-яшил ёзлоқ бор,
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,
Жайрон кўэлик, жимжима булоқ бор.
Зап булоқ-да, чопкиллар, жилдирар,
Кўнғирокдай ҳамиша шилдирар.
Тиниклиги кўк мисол, тансиқ сув,
Кубба-кубба пилдирар, пилдирар...
Олисларда Коратоғ қораси,
Қара, лекин тоғларнинг сараси.
Тоғ салқини, тоғ ҳиди созлоқда,
Чўпон учун олисмас ораси.
Пода-пода мол ичар булоқдан,
Қайроғочу тол ичар булоқдан,
Атай тушар созлоққа йўлчилар,
Ҳар ким ичса — бол ичар булоқдан.
Жар тагида сумбул бор, ялпиз бор,
Ҳар кун тушда келгувчи бир қиз бор.
Кўзи ҳайдаб келаман мўлжалда,

Бир кўрмоққа шошаман, дил хумор.
Тоғ бошида ёнғоқ кўп, олма кўп,
Кокиб, териб, тўрвам ҳам тўлар эўп,
Баъзан олма тутаман туш чоғи,
Баъзан олмас, бўламан худди чўп...
Чўчигандай жайрон нак бўрсукдан,
Менга қатик тутади тўрсукдан.
Заранг коса лиммо-лим, мен бўлсам,
Кўзим ўйнар соков сук, кўр сукдан...
Кўй қатиги қилгандай гўё маст,
Мастлигимда мен дадил, забардаст,
Янгратади ёзлоқни ўланам,
Йигит ишқи олдида тоғлар паст!
Паригинам эгнида йўл-йўл бўз,
Айрилиқни ўйласам, дилим сўз.
Вояга ет, паризод, бешикаст,
Сендан нари бўлсин-да ёмон кўз!

Жар тагида ажриқзор созлоқ бор,
Чўлга туташ, ям-яшил ёзлоқ бор.
Терак бўйи тик жардан ёнлаб туш,
Жайрон кўзлик, жимжима булоқ бор.
Жар тагида сумбул бор, кўк ялпиз,
Узоқ қолдим ўйланиб мен ёлғиз.
Кўзи ҳайдаб келардим бир маҳал,
Қайда экан тенги йўқ ўша қиз?

1965, Туркистон.

МЕН КЕТГАНДА...

Мен кетганда авжидайди айни куз,
Пишиқчилик файзидайди дала-туз.
Саҳар пайти қарсилларди тўрлама,
Бир палакдан узар эдик худди юз.
Мен кетганда етилганди гўза ҳам,
Чўнг хумларда кўпирарди бўза ҳам,
Бир косадан маст бўлишар туядек,
Синар эди хум ҳам, не-не кўза ҳам.
Мен Тошкентга шайлангандим тугал ош,
Кетар куним санкиб юрдим сойма-сой.
Кўкрагимга, кайдам, тушди қандай ўт,
Босолмаса на муз айрон, на кўк чой.
Бир қоп пахта терган эдим харж учун,
Окшом ўтиб, бўлди ахир ярим тун.
Аравасин қўшганида амаким,
Онам юм-юм йиғлар эди жигар хун.
Кейин қучиб, пешонамни силади,
Кўлин очиб, не яхшилик тилади;
Бувим билан қолди дуо ўқишиб,
Не аломат кун бўлур — ким билади...

Пичирларди: «Майли, мулла бўлиб қайт,
Зора келса мен ҳам жиндак яйрар пайт.
Болзгинам, кўрмай санинг доғингни,
Белбоғингга тумор тикдим, кўшиб байт».

...Қайтдим, лекин қани ўша ғамдийдам,
Тополмадим излаб ҳатто изин ҳам.

1965.

АНГИЗ

Иўл-йўлакай бепоён ангиз,
Пода-пода кезар тувалок.
Салт ғунанда ўтаман ёлғиз,
Сук киргудай қарайман узок.
Солланишар семиз кўзидай,
Бошоқ чақар кезиб дўнг, чўнқир.
Туслари ҳам чўлнинг ўзидай,
Бедава пат, жимжима, кўнгир.

Иўл-йўлакай бепоён ангиз,
Гала-гала кезар булдурук.
Қирдан ошсам, ям-яшил полиз,
Наҳот борсам полизга курук...
Кун ботгунча бошоқ чақишар,
Бикқалиги ўхшар товукка.
Тўхтасам, бас, чўчиб боқишар,
Пўлатмайди сира ёвуқка.

Биттасига човут сол, дерсиэ,
Улжалик бор ўрангайликқа...
Кўшотарим йўқ эди, эсиэ,
Не важ айтгум бугун кайликқа?

1965.

ҲАЛИ ҲАМ...

...Онам пон ёпади бўғриқиб-бўртиб,
Дам-бадам куяди кўли енгсақда.
Чивик тойчам гижинг, йўргалаб-йўртиб,
Ҳадеб айланаман шу теваракда.

Нари кетолмайман ўчоқ бошидан,
Югурук бўлса ҳам тойчам нечоғлик.
Мазалироқ баъзан қийма ошидан,
Ҳар гал битта патир менга атоғлик...

Ялпизлик, райҳонлик ё жиндак жизза,
Сўлқилдоқ, юмалок, чўғдай ва кумок,
Гоҳи бўлсам ҳамки кимдандир изза,
Синиб ётса ҳатто кичик арғумок,

Менга ўша патир тегса бўлди, бас,
Отланиб, овлоққа жўнайман дарров.
Айқми ё қоплон — менга писандмас,
Патир тўқлигида ўлжалик-да ов.

...Дилда армон қолди, умрга татир,
Не кунлар бор экан манглайгинамда.
Қишлоқда ёдимга тушди шу патир,
Ҳали ҳам таъми бор танглайгинамда.

1965, Туркистон.

О В

Мингашиб тойга,
Е қопчигойга,
Еки бедана
Қалин, соз жойга,
Балиғи пана
Ейилма сойга —
Кетсак-чи иков,
Ов яхши-да, ов...

Сойда суксур кўп,
Қамишқўлда гоз,
Тустовук тўп-тўп,
Тўкай кандок соз,
Қорли қалчигай,
Алқор эмас оз,
Гижинг, йўрга той,
Этайлик парвоз,
Кетайлик иков,
Ов яхши-да, ов...

Тогларга ошсак,
Дўлана, четик.
Кирга ёндошсак,
Йигитдай тетик
Бобо чўпонлар —
Бўлгаймиз кўнок,
Тогда ўрмонлар...
Кезайлик ўрток,
Қетайлик иков,
Ов яхши-да, ов...

1965, Қорамурт.

ҚАЛДИРҒОЧ

Чексиз кўк тоқларида қалдирок қарсиллаши...
Қалдирғоч қайтибди-да.
Кўклам қучоқларида кенг олам ларсиллаши...
Қалдирғоч қайтибди-да.
Яшил ипаклик киймиш тоғ сиртлари, не-не бўз,
Қалдирғоч қайтгани шу.
Қамалак ястангандай ер кўрқин қилар кўз-кўз,
Қалдирғоч қайтгани шу.
Эсга тушар гўдаклик — умримнинг кўклам чоғи,
Қалдирғоч кўшиғидан.
Эсга тушар шўхлигим — тўпалон сой қирғоғи,
Қалдирғоч кўшиғидан.
Ешлигим диёрига шайдоман ҳануз-ҳануз...
Қалдирғоч, кўшиққа қўш.
Фарзандлик бурчим бор-да, эсимда эзгу ном, туз...
Қалдирғоч, кўшиққа қўш!

1965.

СОИ

Лойқа сой — бутана сой,
Тошқин сой — пўртана сой,
Танимадинг шекилли,
Ҳижрон ҳам тўрт ўн йиллик...

Шошқинсан, бебошвоқсан,
Дөим ўйинқароқсан,
Қўшиқчисан, қудноқсан,
Ҳаммаша ўшандоқсан.

Мен ҳам тўпалон эдим,
Шўх, тинмас, бийрон эдим,
Лойқа — бўтана эдим,
Олов — пўртана эдим,
Тиниқиб, тиниб келдим,
Сени соғиниб келдим...

Танимадинг шекилли...

1965.

ШУДРИНГ...

Тонг белги берганданоқ ўтиб осма кўприкдан,
Жар кетига чопардим — жар кети ўзга олам.
Тўлдириб чаноқ-чаноқ гўё сутдек кўпикдан,
Тутгандек ғойиб кўллар — жилвагар кўзга олам.
Ғўза япроқларида, кўкатларнинг баргида,
Чечакларнинг бағрида ялтирар лак-лак инжу.
Шўх сой қирғоқларида, ниҳоллар куртагида,
Сал эпкинда симобдай калтирар лак-лак инжу,
Ялтирар суйри тепа, ялтирар қир узунчоқ,
Келинлар тақинчоғи, узук кўзларими ё,
Чор атроф сабзаларда жимир-жимир кўзмунчоқ,
Бўй-бўй дилраболарнинг сузук кўзларими ё?
Йўқ, бу гирён кўзларнинг яркироқ замзамаси.

Кечаси онам тагин йиғлабди-да чамаси...

1965.

КУКЛАМ ЭЛЧИСИ

Сой қирғоғида
Ё чаманзорда,
Куклам чоғида
Ажаб гашт бор-да...
Силайди на хуш
Чўллар ҳавоси,
Сайрар не-не куш —
Севги навоси...
Ялпиз анқийди,
Илк кўклам ҳиди!

Ҳаммадан бурун
Гунча очгувчи,
Димоққа дурқун
Атир сочгувчи —
Дема: гул печак,
Ўзга чечак бор.
Чечакми — чечак,
Кўкиш, фусункор.

Жимжима хати,
Гунафша ати.

Нозик ва тамтам,
Хийла тортинчок,
Жимиллар бирам,
Инжу тақинчок,
Куклам элчиси,
Тонглар кулгуси,
Жаннатий иси,
Самовий туси.
Ешликдай сулув,
Бинафша-да шу...

Қани, юр қирга,
Кезайлик пича...
Терайлик бирга,
Кув ботгунича...
Бинафша териб,
Чаккангга тоққин,
Тонг каби эриб,
Кўзимга бокқин.
Сувда суралай,
Кўзи куралай!

Яшил огушда —
Қирғок, адир, бўз,
Кўшиқ туш-тушда,

Наврӯз-да, наврӯз...
Дамлар ғанимат,
Кани, юр дилдор,
Суюк ва қиймат,
Оламда не бор —
Ешлик каби шӯх,
Ешлик каби чӯк...

1965.

ҚУҒИРМОЧ

Буғдой ўрогига ҳали ҳафта бор,
Хампаларда ун йўк, унсиз-ку кун йўк.
Ўроқ тушгунча кун ўтар ночор,
Тушда мўриларда ҳатто тутун йўк.

Ҳар тонг олис қирга кетардик тўп-тўп,
Тоғдан эсар хушбўй ва салқин сабо,
Тўрғаю бедана ўлан айтар хўп,
Буғдойзор чайқалар кандоқ дилрабо!

Бошоқлар чайқалар, думбулрок лекин,
Думбул бошоқларда ҳали сут донлар.
Ўзун узилар пайт, вақт ўтар секин,
Ўзини тутолмас бобо деҳқонлар...

Бу кез тансиқ ҳатто бир ҳовуч оқшоқ,
Бу кез кулбаларда кўпроқ кўк шўрва.
Ҳар ким ўз чекида узади бошоқ,
Уйга қайтар эдик лиммо-лим тўрва...

Кейин бошокларни уқалаб, пуфлаб,
Онам қовуради бизга қўғирмоч,
Талашиб ер эдик пуфлаб ва суфлаб,
Ҳорғин онажонга жилмайиб қийғоч...

Шундоқ ўтар эди кишлоқ ҳаёти,
Ҳали ҳам оғзимда қўғирмоч тотди...

1965.



СОЧ ОҚЛИГИ...

*Соч оқлиги — эмиш — кўнгил оқлиги...
Жумбоқ каби тағин сўрашинг нечун?
Эй, олтин ёшлугим бебоншоқлиги,
Эй, сен олтин кун!*

СОЧ ОҚЛИГИ — КЎНГИЛ ОҚЛИГИ...

Сезардинг-ку ахир васлинг кўйида
Юрар йўлларингда пойлардим сени,
Ё хиёбон, ё кўл, ё сой бўйида..
Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!
Гоҳ ваъда берардинг: «Келурман бир ров».
Уша мажнунона, гариб ҳар оқшом,
Не соч, ич-ичимга тушарди киров..
Окиб кетди сувлар, ўтди кўп айём,
Сочим ҳам соқолим оқарди секин.
Инсоф қил: «Сабабчи ўзим» дегил-да.
Бир гал дил очолмай ўтдим мен лекин,
Уртанган дил учун бир гал эгил-да.
Соч оқлиги — эмиш — кўнгил оқлиги..
Жумбоқ каби тағин сўрашинг нечун?
Эй, олтин ёшлигим бебошвоқлиги,
Эй, сен ғойиб кун!

1962.

К Е Л М А Г И Н...

(Кўшиқ)

Кел дедим — келмадинг ҳеч,
Жойингдан жилмадинг ҳеч.
Соғиндим, сомон бўлдим,
Кўнглимни билмадинг ҳеч.
Келма, келмагин, майли,
Йўлда елмагин, майли,
Кутмайман эрта-ю кеч,
Жиндак жилмагин, майли.
Сўнмиш ишқи, демагин,
Хом хаёлда кулмагин,
Ишқим баттаррок ҳозир,
Майли, бетинч бўлмагин.
Зап қутулдим, демагин,
Шубҳага йўл бермагин,
Етиб бораман ўзим,
Келма, асли келмагин.
Етиб бормасам бўлмас,
Сени кўрмасам бўлмас,
Дил хушлаб, қўлинг ушлаб,
Даврон сурмасам бўлмас.
1965.

К и ш э д и...

(К ў ш и қ)

Киш эди, гул камёб, ўша кечкурун
Илк бор келтирдим мен қиттак кўк шиша.
Эсда қолгулик тун, эсга олгулик тун...
— Атирдек анқигин,— дедим,— ҳамиша!
Наврўзи олам-да... Далалар кўм-кўк...
Чечаклар имлашар овлоқ-овлоққа.
Кўнглим, қиш губорин, дедим, аямай тўк,
Бирдан атир ҳиди урди димокка...
Ялпиздан, жамбулдан ва бўтакўздан,
Юз хил гул — чечакдан анқиса атир,
Садқа бўлай шундок сеҳргар наврўздан,
Баҳорги эртакдан анқиса атир.
Эрта кўклам ҳақи, ўшани ёд эт.
Хаёлингдан ўтсин жажжи кўк шиша.
Ўша тун, ўша қиш ва бўсани ёд эт,
Кейин атир янглиғ анқи ҳамиша...

1962.

А Р А З Л И К

(Қ ұ ш и қ)

Ұтирибман тўқайда ёлғиз,
Арча кўмир, кирговул кабоб,
Енимда на қайлик, на болдиз,
На бир ютум қирмизи шароб.

Ұтирибман тўқайда ёлғиз,
Ўтламоқда тушовлик йўрғам.
Санчилгандай жонга жуволдиз.
Томоғимдан ўтмас бир тўрғам.

Ұтирибман тўқайда ёлғиз,
Ўйламангки, бирон ғаразлик,
Ўртада сўз қочди, бир оғиз,
Аразликман, жиндак аразлик.
1964.

УСТИНА

(Қўшиқ)

Фасли баҳор, қир лолазор,
Тўрғай учар сор устина.
Лолазорда куйла, дилдор,
Рубоб чалай тор устина.
Не бор висолингдан ширин,
Еноқда холингдан ширин,
Бўстонлик болидан ширин,
Олма ҳиди нор устина.
Бир — сен, бир — мен, кўл қиргоғи,
Яшил яйлоқ — оқшом чоғи,
Оқшом чоғи — висол боғи,
Ой ҳам кўнар дор устина.
Беишқлар дарди дард эмас,
Ишқ факат оҳи сард эмас,
Ерни ранжитган мард эмас,
Қор ёғгуси қор устина.
Элдан айрилган бегона...
Ердан айрилган девона,
Ер, ўлгуинча мен парвона,
Ер севмайман ёр устина.

1964.

КҮНГЛИМ...

Селдан кейин ҳар гал ўша камалак,
Селдан кейин ҳар гал ярқирар фалак,
Селдан кейин ҳар гал тушади тоғдан
Сочлари жингалак, ўша шўх малак...
Тоғдан тушмай қолса, ёнаман ғашда,
Жийдаш кўнглимдадир,

Кўнглим Жийдашда...

Кўллар инжусидай жилвакор кўл бу,
Олам кўзгусидай, беғубор кўл бу.
Соҳилда кутаман бесабр ҳар окшом,
Соҳиллари сирли, сеҳри бор кўл бу.
Нетайки илинжим шу паривашда...
Жийдаш кўнглимдадир,

Кўнглим Жийдашда...

Кўзимдан кетмас ҳеч нозик адоси,
Сухбати, ўлани, савти-садоси,

Кўлдай тиниқлиги, селдай шўхлиги,
Гулдай нафислиги... бўлдим галоси!
Ўзи ҳам заб чечан, дилдор, дилкаш-да...
Жийдаш кўнглимдадир,

Кўнглим Жийдашда...

Бунда табиат ҳам қиз янглиғ тоза,
Ишқим бўлмасайди ахир овоза.
Бахтимга тор гўё шу чексиз қирғоқ,
Еҳу, гўзалликка борми андоза?
Мени боғлаб олмиш ёлғиз қаришда...
Жийдаш кўнглимдадир,

Кўнглим Жийдашда...

1964, Иссиқкўл.

ГУЛТОЖ

Мен гул терардим,
Сенга берардим.
Тўлиб қучоғинг,
Ёниб ёноғинг,
Саралаб, сайлаб,
Секин, авайлаб,
Тўқирдинг гултож,
Тўқирдинг гултож...
Шодлигинг болқиб,
Дам-бадам чалқиб,
Кейин дўндириб,
Бошга қўндириб,
Эй лаби писта,
Дердинг оҳиста:
«Эсдами эртак?
Ухшасам қиттак
Уша бекага,
Уша эркага,
Қолмасди армон...»

Дердим: «Эркажон,
Гултож бошингга,
Попук қошингга
Ярашмиш бирам!
Уксима ҳеч ҳам,
Уша эртақдан,
Уша малақдан
Сен улуғроксан,
Сен сулувроксан.
Наинки эрка,
Наинки бека,
Сен якто қизсан,
Якто нимаси —
Сен пошшо қизсан,
Пошшо нимаси —
Сен ўзинг гултож,
Сен ўзинг гултож...»

1965.



ДАФТАРЛАРДАН

Самолар кўчишини қайдан
сезардим очиқ,
Сенсиз, қуёш талъатим,
Эй, ҳаётим илинжи, эй,
умримга ярашиқ,
Эй, сен гўзал санъатим!

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Кўзимни мурғакликдан очмасайдинг жаҳонга,
Бурролик бермасайдинг,
Сукланиш каёкдайди кечалар қаққашонга...
Шайдолик бермасайдинг:
Қайдан кўрардим ахир ҳаёт уйғонишини,
Ёруғлик қучоғида?
Кўкатлар, чечакларнинг хушбахт тўлғанишини,
Кўклам қолдироғида.
Самолар учишини қайдан кўрардим очик,
Сенсиз, куёш талъатим,
Эй, ҳаётим илинжи, эй, ҳаётга ярашиқ,
Эй, сен гўзал санъатим!

Зеҳнимни гўдакликдан тутмасайдинг инсонга,
Оловга солмасайдинг;
Қайдан тушунар эдим жумбоқдай юз лисонга...
Юз довга солмасайдинг:
Қайдан пайкардим ахир кинот пичирини,
Сония титроғида,

Заррада зарраларнинг сира ўлмас сирини
Кўр куёш ўчоғида.
Юлдузлар кўчишини қайдан сезардим очик,
Сенсиз, куёш талъатим,
Эй, ҳаётим илинжи, эй, умримга ярашиқ,
Эй, сен гўзал санъатим!

1965.

Т У Р Т...

Ўзим улгайганман етимхонада,
Қаҳратон қишларда қиярдим чувак.
Чувак ҳам тансиқди у замонада...
Ҳали ҳам эсимда:

Бир синиқ тувак,
Тувакда гул ўсар залнинг тўрида,
Биттағиз чопонда, ўзгағиз юпун,
Биров катда ухлар, биров сўрида,
Ўзимиз экардик полиз ва дон-дун...

Чувакда чиқардик байрамларга ҳам,
Бир кесим қора нон, бир чўмич бўтқа.
Лекин демас эдик, у кам ё бу кам,
Шай эдик юрт учун ташлансак ўтга...

Оғир йиллар эди, лекин жуда чўнг...
Юрт ўровда эди, ўлка ўровда.
Эл уқиб олганди: қайда чап ва ўнг,
Эл тобланган эди кураш-оловда...

Ўғлимда бир йўла тўрт ботинка бор.
Тўрттаси тўрт рангда, тўрт фабрикадан.
Нечук тўрт?
Баъзи кез беришар озор,
Айтмайин надан?
Ўзим чувак кийдим қаҳратонда ҳам,
Икки оёғимни чалган бадсовук.
Тўртни кийсин ўғлим, ҳеч бўлмасин кам,
Оёғи кўрмасин дарду сизловук...

1954.

УТПАРАСТ СИНГАРИ...

Кўклам, ёшлигимдай ардоқлим, шўхим,
Ҳар йили, ҳар йили интизорингман.
Лоладан аланга, гуллардан чўғим,
Утпараст сингари беқарорингман.

Ёшлигим гул даври қайтиб келгандай,
Қушлар кўшиғининг авжи парвозда.
Айтилмаган кўшиқ айтиб келгандай,
Манглай терларимнинг мақтови созда.

Кўкламдай Ватанда боғлабман канот,
Кўклам хаёлидай учагон ўзим.
Кўкламдай сержило, яркироқ ҳаёт,
Совет ватандоши — чўнг инсон ўзим.

Бахтингни куйлайвер, жумҳуриятим,
Мангулик кўкламда тўкис ҳаққинг бор.
Эй, менинг бор-йўғим, ёруғ ниятим,
Нечоғлик эзгусан, суюк, улуғвор..

Кўклам, ёшлик каби тансиғим, шўхим,
Ҳар йили ошиқу интизорингман.
Лоладан аланга, гуллардан чўғим,
Утпараст сингари беқарорингман.

1961.

ОҚСОҚОЛ

Бир оқсоқол кўрдим — бўйи чинордек,
Эғнида банорас кўкраги очик,
Қора чақмоқ каби ял-ял қорачик,
Билакларда йўлбарс қуввати бордек.

Кўчалардан ўтар секин, салмоқдэр,
Ҳар одими ерга титроқ солгудай,
Ернинг танобини торта олгудай,
Ошкор бир савлат, ботирлик ошкор.

Йўллардан ўтади — биллур шаршара,
Жарлар, ёнбағирлар, довлонлар таниш.
Мевазорлар таниш, кўрғонлар таниш,
Ун олти ўғил-қиз, қирқ бир невара.

Йўллардан ўтади — гўё бобойга
Она табиатнинг ўзи таъзимкор,
Одамлардай гўё саломга тайёр,
Бобойни кўрганда тўлар чиройга.

Белида тўрт белбоғ, кўлида асо,
Шу жойларнинг тўнғич ҳукмронидек,
Утмиши, бугуни, пок вижонидек,
Ақли лукмонлардан тўлик ва расо.

Қора терга ботиб эгаркан ғўза,
Эгнидаги тўни эди юз ямок.
Булоқ бўйларида қараркан томоқ...
Бахт у пайт тупрокқа кўмилган кўза.

Қора терга ботиб яратаркан боғ,
Лекин мевасини татий олмасдан,
Ноласи учаркан олис Олмосдан,
Соқол оқаргунча дил бўлмабди чоғ...

Йўллардан ўтади — тоғдек ўмрови
Ҳали не юкларни кўтаролгудек,
Ҳали не тоғларга панжа солгудек,
Ҳали ҳам юртининг бемисол дови.

Меҳнатқаш инсонга хос кўрк ва савлат,
Табиатдай барҳақ, барҳаёт, эзгу.
Ҳа, пийри бадавлат дегаялари шу,
Юз бир шоҳдан ортиқ пийри бадавлат.

1961, март, Олмос қишлоғи.

БАЛИҚЛИК БУИИДА

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,
Ҳовуз тағларида қайнар чашмалар.
Чашмалар шилдири сўйлайди налар?
— Бир хўплам ич,— дейди,— кўрмагайсан дард!

Табиат бу жойда нечоғлик сулув,
Инсон табиатнинг ўғли бу жойда.
Минг булоқ жўш урар жарда-ю сойда;
— Бир қултум ичгин,— деб жилдирайди сув.

Қим билур, етти қат ернинг қаъридан —
Не тилсим — дафина тотини ювиб,
Биллурий мавжлари мавжларни қувиб,
Еруғликка чиқар тоғлар бағридан.

Биллурий мавжлари қандай шифокор,
Қондиради одам чанқоқлигини,
Қондиргудек олам чанқоқлигини,
Бу мавжларда сир бор, мўъжизалар бор.

Табиат бу жойда нечоғлик жўмард,
Инсон — табиатнинг ўғли бу жойда,
Боғу роғ, экинзор, жарларда, сойда,
Меҳнаткаш юртдошим, кўрмагайсан дард!

1961, Олмос қишлоғи.

ЧИГИТ

Ҳовлимга ташловдим чигит, ўн дона,
Пахтакор меҳнатин тағин синай деб,
Езганим бўлмасин бетуз афсона,
Тер тўкиб, ўзимни андак қийнай деб.
Теримга борганман, терганман талай,
Терим шаҳарликка гўё куз тўйи.
Теримгача меҳнат чексиз, ҳар қалай,
Пахтакор тер тўкар ахир йил бўйи...
Мен ҳам ер ағдариб, сепдим сал ўғит,
Кўкариб, кўшяпроқ бўлди, ўн дона,
Ҳар кун ўз-ўзимга қилардим ўғит,
Ғўзага деҳқондай бўл деб, парвона.
Тўғри, гулзор ҳам бор мева дарахт ҳам,
Барини чопаман, кўймайман сувсиз,
Ун ғўза бўй чўзар ҳовлимда кўркам,
Кўрган кўшнилар ҳам ўтмас кулгусиз.
Тўрт марта суғордим, чопдим, чилпидим,
Кўйинг-чи, соғ-омон еткиздим кузга.
Деҳқондай мағрурман, деҳқондай дидим,

Ҳар тупида чаноқ — андак кам юзга.
Уч гал териб олдим, бўлди уч кучоқ...
Шундан сўнг ўйладим, дўппимни қўйиб,
Ўн тупдан уч кучоқ — гектардан қандоқ.
Меҳнатни ўлчадим, рақамга йўйиб.
Ўн тупдан ўн кўйлак бўлса, хомаки,
Гектардан тўрт элат кийинаркан-да,
Ҳазилакам деманг, ёки хонаки,
Қаттакон давлат-ку, суюк Ватанда!
Кончи заҳматида сира эмас кам,
(Шоир, шеър айтолгин бобо деҳқондек!)
Бор бўл, заҳматкашим, пахтакор ўлкам,
Оқ пахтам, обрўйим, кутлуғсан нондек!

1965.

ТОРТИК

Ойнакўл-ку, ойнадай тоза,
Мўлдир-мўлдир, ўта тиник сув,
Дунё бўйлаб шундоқ овоза —
Езда муздек, қишда илик сув...
Ойнакўлни этдилар тортиқ
Менинг юртим шоирасига.
Муносибди, эмасди ортиқ
Сўз иқлимин соҳирасига:
«Ойнакўлда ҳар кун тонг пайти
Юзингизни кўрарсиз, олинг,
Бу қозокнинг қадимги байти,
Ўқиб, эслаб юрарсиз, олинг!»
Не ҳам дейлик, зап чечан йигит,
Тортиғи ҳам, сўзи ҳам расо,
Лойиқ совға тополмай мен хит,
Тебранамаман чолдай беасо.
Қозок бой эл, кўлу тоғи кўп,
Қозок ери — худ ярти жаҳон.
Оқар сув ҳам, қон ҳам, боғи кўп.

Не муносиб, қани, Эркешжон?
Ҳаммаси бор, эркам, ўзингда...
Ҳа, жигарлик меҳримиз қолсин.
Кундуз янглиғ ёниб кўзингда,
Бизни доим эсингга солсин!¹

1962, Кўкчатов.

¹ Кўкчатовда Эркеш деган шоир йигит: Зулфияхонимга: Ойнакўлни тортиқ этдим, деганда мен шу жавобни ёзгандим.

МАИПАРАСТ

Нега бундоқ — наҳот ногирон?
Ким биларкин дилу дардини?
Шалақ, шилқим, ёввойи, нодон,
Асти кўймас оҳи-сардини.

Сўрагай маст, сўрагай беҳуш,
Гўё ҳаёт — наздида бир туш.
Гоҳо босик, гоҳо енгил қуш,
Не юваркин кўнгил гардини?

Ранги беқон, кўзлар — туташ қон,
Юз ювуқсиз, асабий, нимжон,
Саҳарликка баъзан топмас нон,
Кўтаргусиз баъзан қаддини.

Жонга тегар кундалик нози,
Маҳаллани бузар овози,
Эл афтини кўрмаса — рози,
Сигдираркан тоқай ҳаддини?

Тентирайди баъзи кун хумор,
Паст кўчада пойлармиш шикор,
Ханжари бор — бадкорига ёр.
— «Кўриб кўй,— дер,— йигит мардини!»

* * *

Аввал кеча кимдир дод солмиш,
Коровул чол ҳуштагин чалмиш,
Ғафлат босиб, ўртада қолмиш,
Боғлашмиш тез у ашаддийни!

Чавақланмиш паттачи жувон,
Қора сочлар бўялмиш ол кон,
Бир қултум май учун шу ҳайвон
Ишга солмиш тигнинг зардини.

Нега бундоқ — ўзига аён,
Писанд эмас кўзига жаҳон,
Юзи ювуксиз, ўзи бекатрон,

Ори ўртар йигит мардини...

1940.

НАЙ

Най оҳанги келади айни саҳар галласи,
Сайрагандай ғойиб қуш,
Е мунглуғ она куйи — айни саҳар алласи,
Илик ва юмшоқ оғуш.
Най овози келади булоқ сувидай равон,
Эртанми ё айни туш,
Ҳаёт чўққиларига юксал деб доvon-довон,
Ундагандай бу товуш...

Най оҳанги келади эшилиб ҳар шўх окшом,
Хилватга чорлар гўё.
Ишқ боғларига имлар ё ёрдан яхши пайғом,
Шундоқ суюк, бебаҳо...
Най оҳанги тинмайди дара-ю жилғаларда,
Дўнғларда ўша наво,
Боғларда, яйловларда, булут — қасирғаларда
Уша най, ўша ҳаво...

Най овози учади эксиз-чексиз осмонга,
Гирями ёки гулёр?

Най овози учади — шиква тўлар жаҳонга,
Қандоқ узун, нолакор...
Қулоқ солинг дардли соз, мунгли бу соз зорига,
Йиғлар ва йиғлатар зор.
Қулоқ солмабди биров шунча вақт озорига...
Бунда мўл ҳикоят бор...

Най овози учади қандоқ шўху дилнавоз,
Етти фалак токидан баландроқ янги роғи.
Най овози учади — қандоқ сўлим, қандоқ соз,
Шу сўлим садоларда гўё олам қулоғи.

Қуббон кўлидек сермавж, баравж ва жозибадор,
Қандоқ сир бу, ажабо, мўъжизами ё тилсим,
Наҳот жўн шу чалғуда шунчалар куч-қудрат
бор?

Ажабо, бу сеҳргар соз устаси ўзи ким?
— Санъаткор элимнинг бир жигарбанди...

Илҳом парисининг суюқ фарзанди!
Қўлингдан тушмасин шу олтин чалғу,
Шу оташин соз,
Қуйга шайдо элда ягона орзу:
Най чалгин, энг ками, тагин эллик ёз...¹

1964.

¹ Сайиджон Қалон ўглининг 50 ёшига бағишлаганим.

**ДЕНГИЗ ТИНЧИМАДИ —
БИЗ ТИНЧИМАДИК...**

Зоҳиджонга.

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик,
Олам уйқуда-ю, нечун биз уйғок?
Денгизда жазава, денгизда тўлғок,
Денгиз бир нимадан олгандай ҳадик,
Тепа-тепа келур гулдурос тўлқун,
Чайир қояларга чанг солмоқчидай.
Сапчишар, гўёки ўч олмоқчидай...
Кўчкун булутларда ўроқ ой сўлғун.
Ўроқ ой сўқмоғи денгиз бағрида,
Шу сўқмоққа тушсак борардик қаён?
Битта сир аён:
Сўқмоқнинг у боши — гирдэб қаърида...
Не ваядан ғазаблик, нечун асабий,
Нега кўм-кўк сувлар бугун буланиқ?
Бир нима аниқ:
Ҳаяжонда денгиз — оламнинг қалби...

Бўзариб отмоқда тонг йирсқларда.
Оппок тўлқинларнинг мажнуни мисол,

Еки излагандай сирли бир висол,
Уйкусиз утди тун соз киргоқларда.

Денгиз тинчимади — биз тинчимадик...

1963, Қрим — Кўктепа.

ЕТТИ ЙИГИТ ВА БИР ЧОЛ...

Суҳбат қилишарди сайҳонда хушҳол
Етти лочин йигит ва бир бургут чол...

Бири дер: — мен узоқ колхозда чўпон,
Колхоз моли учун аямадим жон.
Коплон дуч келганда, олишдим якка,
Сиртлон билан қанча солишдим якка.
Менинг қўйларимни ололмас бўри,
Мендан овлоқ юрар бўрининг зўри.
Совуқ киш тунлари кўзичоқлар тинч,
Иссиқ ёз кунлари бўталоқлар тинч,
Балодан, офатдан сақлайман ҳар вақт,
Ҳалол меҳнатимдан келди асл бахт.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, кутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим..

Бири дер:— мен ўзиқ тракторчиман,
Билиб олган эдим аён бурчим ман.
Эски нормаларни ташладим бузиб,

Мен ерни ҳайдайман ҳаммадан ўзиб.
Мен ҳайдаган ерлар пахтазор майдон,
Бир туп ғўза очар нақ юз момикжон.
Куз ойлари кўрсанг худ оппоқ денгиз,
Ҳалол меҳнат билан бахт ўзи эгиз.
Қолхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб кўйди кўксимга юртим.

Бири дер:— мен бўлсам сувчиман — мироб,
Сувни тежаб, ерни қиламан сероб.
Экинлар беш йўла қонади ҳар ёз,
Яшил далаларим қандоқ дилнавоз,
Тунлар ухламайман жилға бошида,
Ҳар маҳал ҳозирман ариқ қошида.
Бир томчи сув кетмас беҳуда, бекор,
Ҳалол меҳнатимдан бахту омад ёр.
Қолхоз кўз тикканим, таянчим, қутим,
Орден тақиб кўйди кўксимга юртим.

Бири дер: — мен эса қоровул эдим,
Қолхозим мулкини ўз мулким, дедим.
Сақладим, кўридим қароқчилардан,
Илондан беш баттар алдоқчилардан.
Чўчитолган эмас босқин, дўки ҳам,
Елкамни ўпирган тўнғиз ўқи ҳам.
Биқиндан ханжар ҳам санчдилар бир гал,
Мендан четлаб юрар ҳозирча ажал.

Колхоз кўз тутганим, таянчим, кутим,
Орден тақиб кўйди кўксимга юртим.

Биринчи дер: — мен-ку бир оддий кетмончи,
Гўдакликдан меҳнат кўнглим кпанчи.
Ошириб ишлайман тенгу тўшлардан,
Ҳатто жирканамаю кўли бўшлардан.
Пойгада чопгани тулпор отим бор,
Албатта ўзади, деган шартим бор.
Бу йил бир гектардан мўлжал юз бўлди,
Кувонган албатта қора кўз бўлди.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, кутим,
Орден тақиб кўйди кўксимга юртим.

Биринчи дер: — теримчи эдим мен илғор,
Ҳаммани қолдирдим йўлда неча бор,
Ҳар куни бир хирмон тердим бир ўзим,
Чий бахмал бўлди, ҳа, қалами бўзим.
Тер тўқдим, давлатим ой сайини ошиқ,
Шойи белбоғ белга қандай ярашиқ...
Колхоз кўз тутганим, таянчим, кутим,
Орден тақиб кўйди кўксимга юртим.

Биринчи дер: — агроном эдим колхозда,
Деҳқонга ёр эдим, қишда-ю ёзда.
Вақтида яхобу, вақтида шудгор,
Меҳнатим тупроққа бирам мадъадкор,
Йилдан-йил ошади пахтадан унум,

Попада сигиру хампада уним.
Мотоцикл миниб, далани кезиб,
Ўзим, ўзлигимни жавобгар сезиб,
Кечқурун қайтаман янги уйимга,
Уйим тўла ҳозир янги буюмга.
Ҳурмат тўридаман, ёғади олқиш,
Билим ва тажриба берган-да болқиш.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Сўз олди ҳаммадан кейин Ўтаб чол:
— Офарин, дўстларим, бахтингиз ҳалол.
Ҳаммангиз колхозда илғор экансиз,
Меҳнаткаш, фидойи, номдор экансиз,
Мен ҳам ўз ишимга анча пишиқман.
Колхозда раисман, элга ошиқман.
Колхоз бахти учун жон аямадим,
Меҳнат саҳросида қолди кўп одим.
Колхозим пешқадам кенг Бухорода.
Тупроғи олтинга тенг Бухорода.
Колхоз кўз тутганим, таянчим, қутим,
Орден тақиб қўйди кўксимга юртим.

Сухбат қизиб кетди, келди бахшилар,
Келди эл ичида номи яхшилар,
Келди ўйинчилар, бир тўп созанда,
Кўшиғи жонфизо қанча хонанда,
Майдон бир нафасда тўй тусин олиб,

Маҳалла-кўйларга садо таралиб,
Соз лапар кетидан кўшиқлар кетди,
Даврада айланиб у шўхлар кетди.
Нозик белларида қирқ кокили бор,
Лапарчи қизларнинг бурро тили бор,
Созандалар олди ажиб шўх мақом,
Жаранглаб турарди осмон — мовий жом,
Куйга — куй уланур, бахт ҳам безавол,
Еш бола сингари қувноқ эди чол...

1938.



ЛЕНИН ВА РАЖАБ БОБО

(Достон)

*Уртоқ Ленин, шу қисқароқ ёзганим,
Мендайларга йўлбошчисан, йўллавор.
Очиқ айтгин, наҳотки бу озганим,
Озган бўлсам, дариғ тутма, қўллавор.*

Авжидайди эрта кўклам,
Чаман эди чексиз чўллар.
Сойлар тошқин, сойлар илдам,
Узалганди узун йўллар.
Йўл ёқалаб сўнгсиз дала,
Дала бўйлаб тошар ҳаёт.
Қушлар учар гала-гала,
Янграр кўшик, янграр баёт...
Ясси тепа, толзор, ҳовуз,
Ирғайми бу ёки кўғай?
Пастлаб учар қирғий ёвуз,
Чириллашар тўп-тўп тўрғай.
Сигир, кўйлар ўтлашарди,
Чўпон юрар ортларида.
Кўзичоқлар ўйнашарди
Чексиз шудгор сиртларида.
Келар йилқи кишнашлари
Тизма қирлар, ўтлоқлардан.
Қулунларнинг тишлашлари

Эшитилар овлоқлардан.
Куйлар эди далада эл,
Куйлашарди боғларида.
Ишлашарди боғлашиб бел,
Мавсумнинг гул чоғларида.
Олам ёруғ, димоғлар чоғ,
Йўлда эди жўн бир падар.
Шаҳар бўлди бунча узок,
Етмаса то тушга қадар...
Уйлаб борур, куйлаб борур,
Ўз-ўзига сўйлаб борур.
Уй дарёсин бўйлаб борур,
Сайри баҳор айлаб борур.
Қатта довга тушмоқчи чол,
Борар шердай тинч, авайлаб,
Кўнглида бор қанча савол,
Сўз ахтарар сайлаб-сайлаб.
Кўкда булут қарвон янглиғ,
Оқ момикми юклагани?
Чолни босар гоҳ ҳайронлик,
Кўрқар оғиз жуфтлагани...

II

Бу пардага ошно шаҳар,
Сувсин ичмиш мешкобидан.
Умрларга бўлиб хатар,

Тош ўртанмиш офтобидан.
Бу падарга таниш кўрғон,
Заҳ ҳужралар, сирли йўллар.
Чуқур зиндон, похол йўрғон,
Ойболталар, конли кўллар.
Ок булутдан ўраб салла,
Боқар ўлим минораси.
Кўз олдида ҳар маҳалла,
Шарқнинг сўлим минораси.
Совук, ғўдир ва тунд тошлар:
Ҳайбатидан кон уюшар.
Тошга тушиб синган бошлар
Эсга тушар, эсга тушар...

III

Кимлар кўли тикламиш ҳисор,
Кимлар қурмиш музайян сарой?
Кимлар хушбахт, кимлар хокисор,
Кимлар қадди буқик мисли ёй?
Кимлар ичмиш биллурий шароб,
Кимлар ичмиш бу сассиқ кўлдан?
Ким номурод, ноком ва хароб,
Ким ўлиги топилмиш чўлдан?
Ким измида гулзор, кошона,
Сулувларки, гўё фаришта?
Кимга оғил ва сомонхона,

Ким қисмати безгагу ришта?
Оҳ, бу асрий саргузаштлардан
Тош диллар ҳам қумдай ушалар...
Тандир янглиғ лов-лов даштлардан
Сув ўтказиб келмиш ўшалар!

IV

Утганларни эслаб келар бу чол,
Бухоро бу, қадим ўз шаҳри...
Не умрлар бўлди бунда завол,
Едга тушса, кайнайди қаҳри,
Кечагина азиз тупроқ учун
Жангга кирган ўзи довлашиб.
Ҳар қалай у колди соғ ва бутун,
Қанча бало билан ёвлашиб.
Кечагина тахт бўлди-ку вайрон,
Шундоқ эди замон талаби.
Сўнгги хотиралар қилур ҳайрон,
Кўз куёшдан қамашган каби.
Қандай бахтки, йироқ-йироқлардан
Қўл чўзолди Лениндай сарвар.
Қандай бахтки, лою ботқоқлардан
Юқорига калкди кўп гавҳар.
Қандай бахтки, она Ватанига
Эга бўлди бенаво куллар.
Қандай бахтки, хазон чаманига

Қайта бошдан ўтқазгай гуллар...
Қандай бахтки, она юрти учун,
Ўзи учун тер тўкар инсон.
Қунлар ўтган сари ҳаёт тўкин,
Излаб юрмас бўлди парча нон...

V

Чол шаҳарни кезар, равшан дили,
Кўчалардан кечар.
Ҳали ҳориган йўк, бардам бели,
Жўмракдан сув ичар.
Ҳилпирайди баланд, ёрқин байроқ,
Ҳилпирайди ёрқин.
Байроқда барқ урар чўкич-ўроқ,
Таратади ёлқин.
Мактаблардан чиқар, ўйнар ёшлар,
Ўйнагиси келар.
Дилни қувнок ҳислар кўзгай бошлар,
Куйлагиси келар.
Кўчаларга ҳусн бўлмиш роса,
Сут ранг беҳад бино.
Кани, келиб кўрса, койил бўлса —
Абу Али Сино!
Чолнинг завқи тошар, кекса кўнгил
Фурур билан тўлар.
Куйлаб ўтган барча киз ва ўғил —
Фарзандидай бўлар.

Чол ғурури ортар, тўкилган қон
Кетмабди ҳеч бекор.
Дадил қадам отар, ўта шодмон,
Кўзлар боқар хумор.
На хуш замон, на хуш даврон бўлди,
Қанча йиллар кутиб.
Ғариб кўнгилларга зиё тўлди,
Қанча йиллар ўтиб.
Улкан бир бинога келиб етди,
Тўхтади у дарҳол.
Ижрокомни сўраб, кириб кетди,
Ражаб номли бу чол.

VI

«Юртга боғ ҳам даркор, ниҳол ҳам даркор,
Қамми бу ўлканинг кўриғи, бўзи?
Мевазор ҳам гапми, жўн тол ҳам даркор,
Боғ қулат, деган ким? Қани? Қим ўзи?
Бу ахир хунук-ку, яхши эмас-ку,
Кесилса гўдакдай асралган боғ-роғ,
Марказ эшитса-чи: яхши, демас-ку,
Бу қандок кўрғилик, инкилобга доғ!
Ўтган йил: курсин, деди, шолитор,
Қуришга улгурмай ўрнида қолди.
Қимдан бу нодонлик, бўлдик-ку безор,
Бежо буйруқлари дилга шак солди.
Қим ўзи, гаплашиб қўяй мен ёлғиз,

Нега меҳнаткашни қўймас тинчига?
Нега санча берар жонга жуволдиз?
Хит бўлар, чол қаҳри сиғмас ичига.
Ижроком раиси доғулинамо:

— Ражабсиз-да, ўша тинчимас Ражаб,
Ражаб бўлганда ҳам ажабдан-ажаб...
Майли-ку, марказдан буйруқ бор, аммо...
Сиз, ота, марказга доим қаршисиз,
Куруқ бу гаплардан нима ҳам битар?
Сиз ахир улугсиз, шўро бошисиз.
Шундай қилмасангиз бошингиз кетар!

Чол дағ-дағ қалтирар, қўрқувдан эмас,
Йўқ, калби ўртанар, ёнар гумонда.
— Бас,— дейди,— чузмагин, сузни чузма, бас!
Дод солмоқчи янглиғ жон ғалаёнда.

Ғу-ғу чарх сингари айланур боши,
Қишлоғини ўйлар, боғларни ўйлар.
Қимнидир ахтарар, портлар бардоши:
«Ҳамон слькадамай ўша шумрўйлар?»
Неча кун оввора бўлиб чол тажанг,
Уйига йўл олди, кўп бесаранжом.
Ўйланар, ўз-ўзи билан қилар жанг,
Бўғзидан ош ўтмас, не чигил айём...
Андишада ёнар, марказ наҳотки
Боғни кулат деса? Шу боғларни-я?
Бунда кандоқ сир бор, юз бир ҳайҳотки...
Дили ишонмайди: не бўлди, ия!

VII

Чол кўзида ғурури аён,
Ажиб сурат олар кўйнидан.
Икки кўллаб олар пуртуғён,
Зил тош тушар гўё бўйнидан...
Бу — Ражаб чол давлати эди,
Яъни Ленин сурати эди.
Суюк сурат ўша кечкурун
Дарчадан ҳам анча баландрок,
Уй тўридан олди соз ўрин.
Кўз узолмай тикилар узок...

VIII

Чол олдида ямок алифбо,
Тонгга қадар тутаб жинчирок,
Киприк кокмай, ёзар у расо,
Қинғир-қийшиқ, чала-ю тўмток:

— «Ўртоқ Ленин, бориб етсин ёзганим,
Сен ишончим, сен суянчим, қўллагин.
Очиқ айтгин, наҳотки бу озганим,
Озган бўлсам, йўлга солгин, йўллагин.
Эс танибман — куним учун малайман,
Қолдимикан мен кирмаган кўча ҳеч?
Билиб кўйгин — кимман ўзим, қалайман,
Дилим очай, бўлса ҳамки, анча кеч...

Кўш ҳайдадим, мола босдим, мардикор,
Юз эшикда аравакаш, югурдак.
Юз эшикда қарол ёки жиловдор,
Товонимда юз ёбондан чўкиртак..
Меҳнатимдан тўксон бўлар тўкқизи,
Бек пуч ёнғок тўлдиради кўйнимга.
Кўшда ўлди бино кўйган ҳўкизи,
Бўйинтуруқ солди менинг бўйнимга.
Не килайлик, бошга тушса — кўрар кўз,
Ҳўкиз бўлиб, тортдим шунда омон ҳам.
Бегим учун боғ-роғ бўлди қанча бўз,
Қиймас, лекин, менга қинғир ёғоч ҳам.
Ғалла ташиб юрганымда хирмондан
Филдай чўвур кулади-ку суриниб.
Хўжайиним ардоқларди нақ жондан,
Зўриққандан ўлди ахир уриниб.
Уша юки тортди келдим ботқоқда,
Шу-шу бўлди: Ражаб гон ҳам дейдилар.
Хўжайинлар безор мендай чатоқдан,
Алғов-далғов, баъзан дов, ҳам дейдилар.
Талай менинг лақабим ҳам атоғим,
Елкам ҳали сира ерга текканмас.
Уртоқ Ленин, менинг битта чатоғим:
Зўравонга Ражаб бўйин экканмас.
Қези келса, тақачиман ё деҳқон,
Қези келса, ҳам мол боқдим, ҳам тую.
Неча маҳал паҳса уриб, едим нон,
Шу чоққача сўзламадим ноҳўя.

Усиб-унган жойим тенгсиз Бухоро,
Манглай терим сингган тупроқ — ота юрт.
Ясан-тусан, ўзи енгсиз Бухоро,
Боғларида олмаси бор ва олмурт.
Хазина юрт, ёмби-ёмби зарн мўл,
Мен тер тўккан боғу роғ ҳам оз эмас,
Нимаики дунёда бор — бари мўл,
Юрагимга солган доғ ҳам оз эмас.
Эллигимда аскар бўлдим, қон келдим,
Фрунзени кўрганлардан бири мен.
Эрк ташнаси, сувлик билан сув илдим,
Давронда давр сурганлардан бири мен.
Уртоқ Ленин, маълум бўлсин ёзганим,
Мендайларга мададчисан, қўллай қол.
Очик айтгил, наҳотки бу озганим,
Озган бўлсам, тўғри йўлга йўллай қол.
Чақим эмас, шикоят ё нолишим,
Бошпанам бор, шукур, уйим — қўдам бор.
Ўз ноним бор, ўз тўшагим — болишим,
Ўз қишлоғим, ўз гаштагим, жўрам бор.
Ҳаммамизга келди тенглик, келди файз,
Ер ҳам олдик, сув ҳам олдик, бобма-боб.
Қирк кишига татигандай битта майиз,
Еруғликка бошламоқда инқилоб.
Галим узун, вақтинг тигиз, нетайин.
«Боғ қулат!» деб буйруқ келди қисқаси.
Рост гап бўлса, дарров бажо этайин,
Ўзингдами шундай қоғоз нусхаси?

Уртоқ Ленин, наҳот боғлар кирқилса?
Сун бўлса бас, ер танқисмас унча ҳам.
Розимасман, алп чинорлар йиқилса,
Увол ахир — не гул, ҳатто гунча ҳам.
Бухорога борган билан бўлмади.
Бир сўзлиман, бўлолмайман ялпичок.
Икрокомдан қайсар кўнглим тўлмади,
Еруг кунда ёпинган-ку, ёпинчок...
Ҳато кетмай, сақлагин эй, яратган!
Бу ўша-ку, қочқин бекнинг ноинби,
Бир аймақни ўз сўзига қаратган,
Қамчисидан қон томганнинг ғойиби..
Қарчиғай зот емтик бўлмас қарғага,
Ардон изин босармиди ҳеч кучук!
Кўпгимни очсам сендек дарғага,
Жилов кимда, фармон берар у нечук?
Уртоқ Ленин, шу қисқароқ ёзганим,
Мандайларга йўлбошчисан, йўллавор,
Ошиқ айтгин, наҳотки бу озганим,
Ошиқ бўлсам, дариг тутма, кўллавор.
Боғлар, ахир, мунчоқ-мунчоқ қора тер,
Гўдак ҳусни, даво-ку бу юз дардга,
Боғларсиз ҳам бугдойга мўл бизда ер,
Нима деймап, боғ кес, деган номардга?
Уртоқ Ленин, мен ўтирмай бўлиб без,
Ажабликда ажабтовур ажабман.
Вақтинг бўлса, жавобини жўнат тез,
Бухорода бобокентлик Ражабман».

Елкасидан тушгандай зил тош,
Сўлиш олур гонг ҳавосидан.
Қандок зарба кутмоқда бу бош
Тағин тақдир можаросидан!
Кўкаламзор далага боқиб,
Чол жиддият олди юзига.
Бир нафасда тағин тутоқиб:
— Боғ кесмайман!— деди ўзига...

IX

Бобо тушди ишга тағин,
Кеч қайтади даласидан.
Севар боғин, ҳар бутоғин
Кўзларининг қорасидай.
Ҳар нимадан аъло турар,
Янги замон берган бу бахт.
Иш бошида ўзи юрар,
Ҳаммасига топади вақт.
— Сутга ўхшар,— дейди,— тупроқ,
Худди сутдай қаймоқ тутар.
Ҳайдамасанг уни кўпроқ,
Қаймоғи ҳам бенаф кетар.
Бобо дарров ҳозир бўлар
Қолоқ элат тепасида:
Баъзан ўзи кетмон урар,
Меҳнат кизир теграсида.

Мақоллари дармон белга,
Ҳар сўзи бир ҳикмат элга.

Шафақ қизғиш, уфқ заррин.
Қирмизи ранг олур булут.
Суплар тиник, ҳаво сарин,
Ҳар кайрағоч, ҳар асрий тут —
Чол кўзига жуда қиммат,
Меҳр кўйиб боқар боғбон,
Қанча меҳнат, қанча қиммат,
Даркор бўлса — жон ҳам қурбон.
Анов чинор, улкан чинор...
Гўдакликдан азиз ёдгор.
Соясиди не сирлар бор.
Гўдакликдай жозибадор.
Салқин оғуш очади тун,
Гавҳар тошлар ёқар само.
Чол уйқуси қочар бутун
Дилни ёқар ўша «аммо»...

Х

Тарқалмиш талай миш-миш,
Эмиш Ражаб гуноҳкор.
Қимдир унга қайрар тўш,
Лекин чол мардонавор:

— Майли, гуноҳкор қилсин,
Қайфим бўлмас чалакам.
Боғ-роғ у ёқда турсин,
Кесмайман тол чивиқ ҳам!

«Эрта камалар эмиш,
Индин сўралар эмиш...»
Атрофда фақат миш-миш,
Чол тетик, авжида иш.

— Тиришганинг тўкмоғи
Тошга чега қоқар!— дер.
Яшнар дала-ю боғи,
Иш бошида кекса шер.

— Чумчукдан қўрққан одам
Тариқ экмас!— дер бобо.
Дили тўк, бели бардам,
Лекин юзи қаҳрабо:
«Ростдан янглишдиммикан?
Не бало бўлди ахир?
Қалтис олишдиммикан?
Шуниси оғир, оғир...»

Дилда саросима бор,
Қийналар дов юраги,
Кўнгли оқ, соқоли қор,
Ленин эди тираги...

XI

Бежавоб қолмади хат,
Даври соз, даврони соз.
Жони қийналган фурсат
Келиб қолди оқ қоғоз.

Хабар ногихон бўлди,
Доврук бир жаҳон бўлди,
Чигиллар аён бўлди,
Олам чарогон бўлди.

Ленин ёзган эдики:
«Элга боғ ҳам кўп даркор!»
Чол шодлигин йўқ чеки:
— Оламда ҳақиқат бор!

Ленин ёзган қоғозда:
«Сергак бўлингиз, дебди,
Саратону аёзда
Ҳали йўлингиз, дебди,

Ҳа, бу йўл ўнғай эмас,
Ҳали анча ғовлар бор,
Тайёр, илиқ жой эмас,
Ҳали талай довлар бор.

Тайсалламанг, мард бўлинг,
Тўқа беринг тагин тер,

Кўшчилар, ҳамдард бўлинг,
Ер очинг, ер очинг, ер...»

Боғлар қирқилсин деган
Одам қирқилди ўзи.
Ленин заб доно экан,
Узоқни кўрар кўзи.

Саҳарда уйғонишиб,
Оқшом қайтишар бўлди.
Енишиб, тўлғонишиб
Кўшиқ айтишар бўлди.

Бир-бирининг ортидан
Утар йилу палласи,
Ҳамма рози бахтидан:
— Бор бўлсин чол калласи!

1938—1965.

Ж И Т О Б Д А:

Тоғдай таянчим ҳам...

Тоғдай таянчим ҳам	5
Тўн	10
Тўғри йўлда	17
Орденли	21

Чўл чечаклари

Сирдарё	25
Беҳишт	29
Чўл кечаси	33
Олхўри	36
Чоллар	38
Уқимишли	40
Чўл чечаклари	46

Сув ва сулув

Мангу олов	49
Чанқоқлик	52
Дорилфунун хиёбонида	55
Ушандоқ	59
Ез ёмғири	62
Сув ва сулув	63

Шумғия	65
Чўпон	67
Епиғлик нон	69

Ҳали ҳам...

Гўдаклигим	71
Булоқ	76
Мен кетганда	78
Анғиз	80
Ҳали ҳам...	82
Ов	84
Қалдирғоч	85
Сой	87
Шудринг	88
Кўклам элчиси	89
Кўгирмоч	92

Соч оқлиги...

Соч оқлиги — кўнгил оқлиги	95
Келмагин	96
Киш эди	97
Аразлик	98
Устина	99
Кўнглим	100
Гултож	102

Дафтарлардан

Илҳом парисига	105
Тўрт	107
Утпараст сингари	109

Оқсокол	111
Балиқлик бўида	113
Чигит	115
Тортик	117
Майпараст	119
Най	121
Денгиз тинчимади — биз тинчимадик	123
Етти йигит ва бир чол	125

Ленин ва Ражаб бобо

Достон	131
--------	-----

На узбекском языке

Миртемир

Новые стихи

Редактор *М. Икром*

Рассомлар: *Г. Бедарев* ва *П. Бродский*

Техн. редактор *М. Парпихўжаев*

Корректор *Т. Нуъмонов*

Босмахонага берилди 12/V-66 й. Босишга рухсат
этилди 6/I-67 й. Формати 60×90¹/₃₂. Босма л. 4,75.
нашр. л. 3,39, Р. 09504. Тиражи 10 000 экз.
«Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент,
Навобий кўчаси, 30. Шартнома № 83—66.

Қозоғистон ССР Министрлар Совети Матбуот
Давлат Комитетининг 2-босмахонасида босилди.
Олмаота. Карл Маркс кўчаси, 63. Заказ № 455.
Баҳоси 39 т.

Ўз

М 57

Миртемир.

Янги шеърлар. Т., «Тошкент»
бадий адабиёт нашриёти, 1967.

152 бет. Тиражи 10000.

Миртемир. Новые стихи.

Индекс 7—4—3

Ўз 2